БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил 4 январь Пайшанба № 3 (13.439). Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

ХАЛҚ БИЛАН БИРГА— ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. КАРИМОВнинг 1989 йил 30 декабрда республика фаоллари йиғилишида қилган доклади

Ўртоқлар!

1989 йилнинг декабрь ойи катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеаларга бой бўлди. 9 декабрь куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленум СССР халқ депутатлари II Съездини ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Съезднинг ўзи 12 декабрдан 24 декабргача давом этди ва кураш қизғин тус олганлиги билан ажралиб турди, унда кўпгина муҳим қарорлар қабул қилинди. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Литва Компартияси XX съездининг КПССдан чиқиш тўғрисидаги қарори партияда вужудга келтирган мислсиз вазиятни муҳокама қилиш учун 25—26 декабрь кунлари яна тўпланишга мажбур бўлди.

Бу воқеалар қайта қуришнинг янги бурилиш босқичида партия билан халқ ҳаётида юз бераётган мураккаб, тиғиз, зиддиятли жараёнларнинг ифодаси бўлди. Бунинг устига ана шу жараёнлар шарқий Европа мамлакатларидаги ҳамда дунёнинг бошқа қитъаларидаги жўшқин ва баъзан фожиали воқеалар билан бир вақтда юз бермоқда.

Шу сабабли юз бераётган жараёнларни қизиғида таҳлил этиб, ундан дастлабки хулосаларни чиқариб олиш, тегишли сабоқ олиш қатъий заруратга айланди. Бинобарин, фавқулодда вазиятлар тақозо этаётган долзарб, шошилинч вазифаларни белгилаб олишимиз керак.

Мамлакатдаги кескин вазиятни, сиёсий кураш авж олиб бораётганлигини ҳисобга олиб, республика партия ташкилотининг принципиал позициясини, Ўзбекистондаги барча партия, совет, хўжалик идораларининг, жамоат ташкилотларининг ҳаракат программасини аниқлаб олиш, барча соғлом кучларни долзарб вазифаларни ҳал этиш учун жипслаштириш ва сафарбар этиш зарур.

Съездда бўлиб ўтган қизғин мунозаралар ва Съезд қабул қилган ҳужжатлар мазмунини такрорлашга ҳожат йўқ. Съезднинг қандай ўтаётганлиги телевидение ва радио орқали кўрсатилди ва эшиттирилди, стенография ҳисоботи «Известия»да эълон қилинди, оммавий ахборот воситалари Съезд ишини батафсил ёритдилар ва ҳозир ҳам кенг шарҳламоқдалар. Хуллас Съезднинг қандай ўтганлиги яхши маълум.

II Съезд қайта қуриш йўлидаги янги муҳим қадам, бундан буёнги туб ўзгартишлар ва жамиятимизни янгилаш сари шиддатли юриш бўлди. Лекин у ана шу йўлдаги жуда катта қийинчиликларни, чигалликларни, жиддий хавф-хатарларни ҳам янада яққол кўрсатди.

Шунинг учун ҳам бундай қаттиқ мунозаралар нима учун юз берганлигини, қандай кучлар қандай манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилганлигини, юзаки қараганда расмий масалалар, ҳатто иш тартиби билан боғлиқ масалалар юзасидан Съездда авж олган у ёки бу қизғин даҳанаки жангларнинг моҳияти қандайлигини тушуниб етиш муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси ҳозир ва келгусида қандай оқибатларга олиб келишини англаб етиш керак.

Жамиятимиз қийин даврни бошидан кечирмоқда, қайта қуриш қийинчилик билан бормоқда. Ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи ҳар бир совет кишисининг олдига қандай дастурни тутиш, ким билан ва қаёққа бориш, кимнинг шиорларини қўллаб-қувватлаш, нима учун кураш олиб боришни танлаб олиш заруратини қўймоқда. Воқеаларнинг бундан буёнги ривожи қандай боришини: танлаб олинган социалистик негизда қайта қуриш ва янгилашнинг қийин ва бирдан-бир тўғри йўлидан борадими, ёки баъзи бировлар таклиф этаётганидек, юксалишнинг азоб-уқубатли йўлини қайтадан бошлаш учун, кўп авлодларнинг қони ва пешона тери ҳисобига қўлга киритилган ютуқларни ўчириб ташлаб орқага, капитализм манбаларига қайтиш керакми — буни ҳар бир кишининг айни шахсий позицияси белгилаб беради.

Бошқа йўл йўқ. Ҳозир ҳар бир киши ўз йўлини танлаб олиши лозим. Мавҳумликни, қатъиятсизликни ҳаётнинг ўзи рад этмоқда. Ҳаёт кутиб туришга, жим туришга, кимларнингдир орқасига яширинишга, обрўли кишилар, эски ақидалар, сийқа цитаталар ва шиорлар орқасига яширинишга ҳар қандай уринишларни рад этмоқда. Улар айниқса коммунистлар учун, ҳокимиятга ва одамларнинг ишончига сазовор бўлган раҳбарлар учун яроқсиздир.

Ҳозирги вақтда энг асосий талаб ҳамма учун ва ҳар бир киши учун дахлдор бўлган барча долзарб муаммоларни тўла-тўкис билиш ва шу муаммолар юзасидан ўз фикрига эга бўлишдан, уларга нисбатан ўз позициясини аниқ белгилаб олиб, уни қатъият билан амалга оширишдан иборат.

Гап энг аввало жамиятимиз турмушида, қайта қуришга раҳбарлик қилишда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тутган ўрни ва роли ҳақида бормоқда.

Съезд кун тартибига СССР конституциясининг 6-моддасини муҳокама қилишни киритиш ёки киритмаслик тўғрисидаги масала жамоатчиликда энг кенг фикр уйғотди ва бу фикрлар турлича бўлди. СССР Олий Совети мажлисларида бошланган бу қизғин баҳсларнинг сабаби нимада?

Ахир биз ҳаммамиз жамиятимизда партиянинг обрўси ва раҳнамолик мавқеи расмий ёзувлар ёки декларациялар билан белгиланмаслигини, балки мамлакатнинг ва ҳар бир регионнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва ғоявий-маънавий турмушида партия ташкилотлари ва партия комитетлари тутган муҳим амалий ўрни билан белгиланишига ҳаммамиз қўшиламиз.

Партия ўзининг раҳнамолик ўрнини энг аввало ўзининг ғоявий позициялари билан, бу позицияларни амалга ошириш қобилияти билан, ўртага қўйилган мақсадларга эришишни кўзлаб одамларни ишонтириш ва жалб этиш, жипслаштириш маҳорати билан, ўзининг маънавий нуфузи билан қўлга киритади. Шу сабабли буни асосий қонунга ёзиб қўйиш шу қадар зарурми, айтмоқчи 1977 йилгача амал қилиб келган СССР конституцияларида бундай ёзув йўқ эди-ку?

Масаланинг моҳиятини билмаган киши бу ерда гап партия билан мамлакат бошидан кечираётган даврнинг моҳияти ва мураккаблиги ҳақида бораётганини англаб олиши қийин. Партия қайта қуришни бошлаб бериб ва уни йўналтириб, жамиятимизнинг сиёсий структурасида ва иқтисодий системасида туб ўзгаришларни амалга оширмоқда. Бу ўзгартишлар ҳақиқатан ҳам Советларнинг тўла халқ ҳокимиятини таъминлашга, партия, совет ва хўжалик идораларининг вазифаларини белгилаб қўйишга, регионларнинг ўзини ўзи бошқариши ва иқтисодий мустақилликка ўтишига қаратилган.

Лекин ана шу мураккаб ўзгаришларнинг механизмлари ҳали ҳозирча пухталаштирилгани йўқ. Советларда эса тўла ўзини ўзи бошқаришни таъминлайдиган структура тузилмаган, республикалар ва регионларнинг дастлабки иқтисодий ва ижтимоий даражасидаги нозик тафовутлар аниқланмаган, республикалар ва регионларнинг хўжалик ҳисобига ўтказилиши уларнинг орасидаги бу тафовутларни чуқурлаштиради холос.

Умуман мамлакатда ва айрим республикаларда юз бераётган молиявий аҳволни олиб кўрайлик. Мисол учун олганда Болтиқбўйидаги барча республикаларда халқ хўжалигида таркиб топган структура ва нарх сиёсати туфайли даромадлар харажатлардан кўп бўлса ва даромаднинг ана шу ортиқча қисмидан ўз эҳтиёжидан фойдаланиш имконияти бўлса, Ўзбекистон ССРда эса тармоқлардаги номутаносиблик ва бузилишлар, нарх белгилаш иқтисодий механизмининг бузилиши оқибатида республика бюджетидаги камомад йилдан-йилга кўпайиб бораётган бўлса, бюджетнинг сарф-харажатлар қисмини қоплаш учун иттифоқ бюджетидан маблағ мунтазам жалб этилаётган бўлса, иттифоқдош республикаларнинг хўжалик ҳисобига ўтиши чоғида уларнинг дастлабки позициялари тенглиги ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Қайта қуриш одамларнинг даромадлар ва турмуш даражаси жиҳатидан ижтимоий табақаланганлигини кўрсатган бўлса, корхоналарнинг хўжалик жиҳатидан мустақиллигини таъминлашга, кооперативлар тузишга доир дастлабки қадамлар эса бу ижтимоий табақаланишни кучайтирди. Миллатлараро муносабатлар кескинлашди, бу соҳадаги муаммолар турғунлик йилларида зўр бериб яшириб келинган эди.

Ана шундай шароитда кўп миллатли мамлакатимиздаги барча синфлар ва халқнинг ижтимоий табақалари, барча миллатлар ва элатлар вакилларини ўз сафларида бирлаштирган партиягина жамиятни ижтимоий ва миллий белгиларига қараб ажралиб кетишдан сақлаб турган бирдан-бир жипслаштирувчи кучдир. Ҳозирги пайтда партия барқарорликнинг бош омили, социализмга қарши кучлар йўлидаги асосий ғовдир. Шунинг учун ҳам партияга қарши кенг ҳужум қилинмоқда.

Конституциянинг 6-моддаси ижтимоий-сиёсий ташаббусни партия қўлидан тортиб олиш, олдин уни сиёсий майдоннинг бир қисмини бўшатиб беришга мажбур қилиш, кейинчалик эса уни сиёсий майдондан бутунлай четга суриб қўйиш, жамиятимизни бошқа, носоциалистик йўлга буриб юбориш учун баҳона холос. Шунинг учун ҳам мухолифларимиз шошилишмоқда. Улар учун партия ташаббуси билан бошланган қайта қуриш энг қийин, бурилиш тусидаги босқични бошидан кечираётганда, ҳали у иқтисодий соҳада ва айниқса ижтимоий соҳада реал натижа бермай туриб, 6-моддани мумкин қадар тезроқ чиқариб ташлаш жуда муҳимдир. Бунинг учун партия раҳбарлигидаги айрим даврлар ва хатолар шунчаки танқид қилинмади, балки умуман партияни, унинг бутун фаолиятини қора қилиб кўрсатиш ва обрўсизлантириш учун тўғридан-тўғри ҳужум қилинди. СССР конституциясининг 6-моддаси тўғрисидаги бутунлай қонунга мувофиқдек кўринган мунозара замирида амалда ана шулар яширинган эди.

Бу кун тартибидаги бошқа масалаларга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Масалан, регионлараро депутатлар группаси томонидан фаол қўллаб-қувватланган Болтиқбўйи республикалари депутатлари СССРда конституцион назорат тўғрисидаги масала муҳокама қилинмасдан олдин 1939 йилги Совет-Германия шартномасини (Молотов-Риббентроп битими деб аталган шартномани) ўрганиш ва баҳолаш комиссиясининг хулосасини эшитишни таклиф қилдилар. Кун тартибига бундай ўзгартириш киритишнинг моҳияти нимада?

Шартномани ташқи сиёсий принципларимиз ва Съезд томонидан берилган ғоявий-сиёсий позициядан келиб чиқиб муҳокама қилиш Болтиқбўйи республикаларининг Совет Иттифоқи составига киришининг конституцияга мувофиқлигини тағин ҳам қаттиқроқ қилиб шубҳа остига олиш имконини берган бўлур эди. Бинобарин, конституцион назорат ғоясининг ўзини рад этишга имконият берган бўлур эди.

Бу эса, ўз навбатида, шунга олиб келар эдики, совет федерацияси қайта тузилаётган, янги мазмун билан тўлдирилаётган ҳозирги пайтда, иттифоқдош республикалар билан марказ ўртасидаги ваколатлар қайтадан тақсимланаётган ҳозирги пайтда биз давлат қурилишининг жуда мураккаб муаммоларини ҳамда жуда кўп низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш воситасидан маҳрум этилган бўлур эдик. Бу эса иттифоқимизни парчалаб ташлашга, уни миллий хонадонларга ажратиб юборишга, давлатимиз негизларига путур етказишга уринаётган кишиларга керак.

Съезд кун тартибидаги деярли ҳар бир масалага доир баҳслар ортида ошкора ва яширин сабаблар бор эди. Олий Совет тавсия этган кун тартибини ҳимоя қилиш учун бутун бир иш кунини сарфлашга тўғри келди.

Бу аҳвол кўпларнинг ғашига тегмоқда, кўп одамлар эса буни вақтни беҳуда ўтказиш деб ҳисоблашмоқда. Лекин кўпчилик овозни таъминлаш учун иккиланаётган депутатларни ишонтириш, киритилаётган у ёки бу таклифнинг ҳақиқий моҳиятини кўрсатиб бериш керак эди. Энг муҳими эса бюрократ амалдорлар билан эркин фикрловчи радикаллар ўртасида баҳс бормаётганлигини, балки социализмнинг, ижтимоий-давлат тузумимизнинг асосий принципларини сақлаб қолиш учун чинакам жанг бораётганлигини бутун халққа кўрсатиб бериш керак эди.

Бу жанг иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳотнинг босқичлари ва ўн учинчи беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар тўғрисидаги ҳукумат программасини муҳокама қилиш чоғида жуда яққол намоён бўлди. Н. И. Рижков докладидаги асосий қоидаларни олиб кўрайлик. Нима, улар етарли даражада теран эмасми? Аксинча. Масалан, бизнинг республикамиздаги кўпчилик депутатларда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шаклларини хусусийлаштириш юзасидан ҳукумат белгилаётган тадбирлар: келгуси беш йилликда давлат мулки салмоғини 30 процентгача камайтириш, қолган қисмини акционерлик жамиятларига, кооперативларга ва шахсий фойдаланишга мулк қилиб бериш ва шу йўл билан давлат мулкининг устун аҳамиятини тугатиш шубҳа туғдирмоқда.

Программанинг конкрет тадбирлари юзасидан баҳслашиш мумкин ва керак. Бу ўринда энг муҳими — қуйига оғиб кетишни қанчалик тезроқ ва самаралироқ тўхтатиш ва одамларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қаноатлантиришни реал тарзда яхшилаш — озиқ-овқат маҳсулотлари билан, халқ истеъмол моллари, уй-жой, ижтимоий, маданий-маиший соҳанинг энг оддий объектлари билан таъминлашдан иборат. Пулнинг қадрсизланишига қарши кураш, одамларнинг турмуш даражасини барқарор қилиш жуда ўткир масаладир. Кўп депутатлар, жумладан республикамиздан сайланган депутатлар шу ҳақда гапирдилар. Бу хусусда ҳукуматни танқид қилишга арзийдиган ишлар бор, жуда кўп амалий таклифлар киритилди, улар ҳукумат программасини узил-кесил таҳрир қилиш чоғида ҳисобга олинди.

Мамлакатимиздаги барча халқ депутатлари каби Ўзбекистон депутатлари ҳам Съездда фаол ва собитқадамлик билан иш олиб бордилар. Депутатлар парламент фаолияти мактабидан ўтиб, биринчи Съезддаги ўз ишларидан сабоқ чиқариб олдилар, жумладан сайловчилар ҳам биринчи Съезддаги ишлари учун депутатларимизга кўп таъналар айтган эдилар. Шунинг учун ҳам Съезд арафасида депутатлар олдин Тошкентда, сўнгра эса 11 декабрда Москвада бутун состав билан тўпланиб, тўла ошкоралик ва рўй-ростлик шароитида ҳам мамлакат учун умумий ҳисобланган, ҳам республикамиз учун ўзига хос асосий муаммоларни муҳокама қилдилар. Депутатларнинг фикрлари ва позициялари уларнинг шахсий эътиқодига, шунингдек сайловчиларнинг наказларига мувофиқ турлича бўлишига қарамай, Съезд кун тартибидаги асосий масалалар юзасидан умумий позициялар тўғрисида принцип жиҳатидан келишиб олинди.

Ўзбекистондан сайланган барча халқ депутатларини бирлаштириб турган асосий нарса — республика позициясини ҳимоя қилишга, республика иқтисодиёти ва меҳнаткашларнинг турмуши қандай оғир аҳволга тушиб қолганлигини бутун мамлакатга кўрсатиб бериш, агар амалга оширилмаса аҳволни ўнглаш мумкин бўлмайдиган талабларни айтиш эҳтиросли муддаоси эди.

Шу мақсадда Ўзбекистон ССР депутатларининг барча халқ депутатларига ва иккинчи Съезд қатнашчиларига мурожаатномаси тайёрланди ва тарқатилди, мурожаатномада республикамизда ҳал этилиши лозим бўлган асосий принципиал масалалар баён қилиб берилди.

Бундай йўл тутиш депутатларга Съезд ишининг барча соҳаларида самарали иштирок этишга имкон берди. Республиканинг 17 вакили Съезд ишчи органлари — президиум, секретариат, таҳрир комиссияси ва бошқа комиссиялари составига сайланди. Уларнинг фаолияти телевизорларнинг экранларида кўрсатилмади, лекин бу ишга дахлдор бўлган кишиларнинг ҳаммаси улар энг муҳим давлат қарорлари устида иш олиб бориб, нақадар ғайрат билан, баъзан эса ярим кечага қадар ишлаганликларини биладилар.

Съездда, секцияларнинг мажлисларида, шунингдек қарорлар қабул қилиш чоғида овоз бериш сабаблари хусусида республикадан 26 депутат сўзга чиқди. Музокарага ёзилган, лекин сўз берилмаган яна 3 депутат ўз нутқи матнини Съезд стенограммасига киритиш учун топширди. Республика вакиллари Съезд президиуми ва секретариати номига, шунингдек бевосита ҳукуматга ва бошқа иттифоқ идораларига ўнлаб депутат сўровлари бердилар.

Депутатларимизнинг СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан учрашиб, суҳбатлашгани алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Суҳбатда 30 га яқин вакилимиз қатнашди. Бошқа бирор республика депутатлари регионни ривожлантиришнинг энг ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бундай юқори даражада муҳокама қила олмадилар.

Суҳбатнинг мазмуни ва у қандай тусда ўтганлиги тўғрисида марказий матбуот умумий тарзда хабар қилди, бу ҳақда ўша куннинг ўзидаёқ «Время» программаси хабар берди. Баъзи депутатларимиз республика оммавий ахборот воситаларида, Москвадан қайтиб келганларидан сўнг юртдошлари ва меҳнат коллективлари билан учрашувларда ўз таассуротларини сўзлаб бердилар. Республиканинг энг долзарб масалаларига ҳукумат бошлиги қандай ишчанлик билан ва амалий ёндошганлигини республикамиздаги барча меҳнаткашларга етказиш учун жуда кўп иш қилиш керак. Буни кенг жамоатчиликка етказиш учун оммавий-ахборот воситаларини идеология соҳасидаги фаолларни жалб этиш лозим.

Бунинг устига, орадан бир неча кун ўтгач, Н. И. Рижков ана шу кенгаш якунларига доир протоколни имзолади. Бу республика учун жуда муҳим бўлган ҳужжатдир, ушбу ҳужжат қишлоқ хўжалик маҳсулотига, жумладан пахтага ва пиллага холисона, асосланган харид нархлари белгилашдек принципиал муаммоларни ҳал этиш учун зарур замин яратади. Тегишли иттифоқ органларига қуйидаги топшириқлар берилди:

— учрашувда қўйилган масала — пахта толасига давлат буюртмаси даражаси тўғрисидаги, республикадан кунжараси ва тахтакунжара (шрот) ташиб кетиш ҳажмларини камайтириш, шунингдек чорва моли боқиш учун яроқли бўлган пахта шулхасидан техникавий эҳтиёжлар учун фойдаланишни камайтириш масаласини кўриб чиқиш;

— шўр зовур сувларини чиқариб ташлаш учун бош коллекторлар қурилишининг техникавий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда зарур ёрдам кўрсатиш;

— пахта толаси ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан банд этишни ошириш мақсадида республикада енгил саноат корхоналарини жадал ривожлантириш учун чоралар кўриш;

— аёллар, оила аҳволини, оналар ва болаларни муҳофаза этишни яхшилаш масалаларини диққат-эътибор билан ўрганиб чиқиш ва марказий иқтисодий органлар ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети билан келишиб олиб шу масала хусусида тадбирлар ишлаб чиқиш, бу тадбирларни 1991-1995 йиллар планида ҳисобга олиш ва бошқа кўпгина масалалар тилга олинган.

Озиқ-овқатнинг айрим турлари бўйича, жумладан янги йилнинг биринчи кварталида қўшимча тарзда фондлар ажратиш тўғрисида депутатларимиз ўртага қўйган масала ижобий ҳал этилди.

Масалаларни шу қадар тез ва ишчанлик билан ҳал этишни республикамиз ҳукумати ва бошқа хўжалик идоралари ўргансалар ёмон бўлмасди. Энди кўп нарса ўзимизга боғлиқ: биз ўз таклифларимизни асослаб ва исботлаб беришимиз керак. Аммо шу нарса равшанки, партия, мамлакат ҳукумати муаммоларимизни тушуниб турибдилар ва истакларимизни эътиборга олмоқдалар.

Аммо Съезддаги кескин вазиятни фақат ишга доир ана шундай мулоҳазалар белгилаб бергани йўқ. Мамлакат ва қайта қуриш тақдири учун, социализм муаммолари тақдири учун ҳаётий муҳим бўлган масалаларни ҳал этиш йўлларини амалий қидириш ҳамиша Съезднинг ўзидаги вазиятни ҳам, бутун жамият (жамият эса Съезд ишини диққат-эътибор билан кузатиб борди)даги вазиятни ҳам беқарорлаштиришга уринаётган кучларнинг катта тўсиғига дуч келаверди. Залдаги беллашувларнинг акс садоси бир лаҳзада мамлакатнинг энг олис бурчакларигача етиб бориб вазиятни кескинлаштирарди.

Айрим депутатларнинг нутқларида сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг етилган муаммоларини ҳал этиш йўлларини қидиришга, миллатлараро муносабатларда муросага келишга дуруст эътибор берилмади. Ҳа, бундай бўлмади, социализмнинг, сиёсий тузумимизнинг фундаментал асосларидан воз кечиш ҳақида тўғридан-тўғри ва дангал гапирилди, социалистик қурилиш кезида бунёд этилган бутун иморатни бузиб ташлаш тўғрисидаги масала қатъият билан ўртага қўйилаверди.

Регионлараро гуруҳ аъзолари бўлган бир қанча депутатларнинг Съездда расмий тарзда тарқатган баёноти шу жиҳатдан диққатга моликдир. Ушбу баёнотда очиқдан очиқ, кўпинча кескин шаклда жамиятимизнинг барча асосий принципларига ҳужум қилинган. Рўй-рост социализмдан воз кечиш зарурлиги, орқага, капитализмга қайтиш кераклиги эълон қилинди. Коммунистик партиянинг авангардлик роли батамом инкор қилинган. Турли норасмий ҳаракатларнинг ҳокимиятни эгаллаб олишига интилиши тўғрисида гапирилган. Қайта қуриш инкор этилган, бутун ижтимоий иморатимизни батамом бузиб ташлашга даъват мавжуд. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик эълон қилинган. КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленумида ишлаб чиқилган миллий сиёсат батамом рад қилинган, СССР ягона кўп миллатли давлат сифатида инқирозга учради, дейилган.

Сиёсий жиҳатдан аҳамиятга молик кўпгина масалалар овозга қўйилаётганда содир бўлган кескин вазият шундан далолат бериб турибдики, сохта инқилобий иборалар сиёсатда кўзи пишмаган айрим депутатларга таъсир ўтказмоқда.

(Давоми 3-бетда).



Ўтган йилнинг декабрь ойида бир гуруҳ талабалар пахта мавсумида шижоат кўрсатганликлари туфайли Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Улар орасида Сирдарё вилоятининг Жиззах педагогика билим юрти ўқувчиси Марҳамат Хўжанова ҳам бор. Марҳамат ўқув даргоҳининг 3-курсида таҳсил олади. У аълочи бўлиши билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади.

СУРАТДА: М. Хўжанова.

Суратчи У. ҚУШВОҚОВ.

Ҳам подшипниклар, ҳам рўзғор буюмлари

ЖАЛОЛҚУДУҚДАГИ 27-Давлат подшипник заводида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган ихтисослашган участка иш бошлади. Бу ерда эшик тутқичлари, пичоқлар, посилка қутилари тайёрланмоқда. Мазкур цех қурилиш заводининг собиқ саноат базасида ташкил этилди. Бу ерда металл ва ёғочга ишлов бериш дастгоҳлари ўрнатилган. Уларда йигирмага яқин ишчи ишламоқда.

— Харидорлар буюмларимизнинг нархи ҳозирча анча қимматлигидан норози бўлишмоқда, — дейди завод директори Д. Салоҳиддинов. — Лекин бу вақтинчаликдир. Буюмларни кўплаб ишлаб чиқариш технологияси йўлга қўйилиб, хом ашё ва материалларни тежашга ўрганиб, ишчиларимизнинг маҳорати ошганидан кейин нархларни қайтадан кўриб чиқамиз. Шуни ҳам айтиш керакки, шипга қоқиладиган рейкалар, эшиклар, дераза ромлари сингари маҳсулотларимизнинг нархи ҳозир ҳам бозор ёки кооператив нархларидан анча паст.

27-Давлат подшипник заводида ҳозир пластмассадан шарикли ручкалар ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Бундан ташқари район марказида тикувчилик корхонасини очиш режалаштирилган — бу ерда болалар учун буюмлар тикишни хоҳловчи анчагина уй бекалари бор. Белгиланган планга кўра янги участка бу йил 200 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради.

Андижон денгизидан ичимлик сув келади

«УЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Андижон участкаси қурувчилари Андижон—Советобод янги сув қувурини ётқизишга киришдилар.

Бўлажак сув қувурининг узунлиги 70 километрга боради. Унинг икки шоҳобчаси бир вақтнинг ўзида қурилади. Диаметри 1400 миллиметр ва қалинлиги 20 миллиметргача бўлган қувурлар Донецкдан узлуксиз келиб турибди.

Сув қувурининг бир шоҳобчаси орқали Андижон денгизи ҳавзасидан область марказига ичимлик суви олиб келинади. Маълумки, Андижон денгизида бир миллиард кубометрга яқин сув тўпланади. Сув қувурининг бошқа шоҳобчаси эса областнинг бир қанча шаҳарлари ва районларидан ўтади.

Дастлабки босқичда сув қувури беш қисмга бўлиниб, уларнинг ҳар бири беш километрни ташкил этади. «Узтрансспецстрой» бирлашмасининг Фарғона, Самарқанд, Ангрен ва Қўқон бўлинмалари бу ишда андижонлик ҳамкасбларига ёрдам бермоқдалар.

Янги сув қувурини 1991 йилда тўла-тўкис фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

(ЎзТАГ).



«Партия XXV съезди» номидаги Наманган аврли шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар ойда бир миллион 481 минг погона метр газлама ишлаб чиқаради. Шундан беш юз элик минг погона метри атлас ва 250 минг погона метри эса беқасамдир. Ишлаб чиқарилаётган атлас ва беқасамларнинг анчагина қисми Покистоннинг Меркурий фирмасига, Сурия ҳамда Францияга экспорт қилинаяпти.

СУРАТДА: атлас тўқиш цехининг тўқувчиси Манзура Жўраева. У тўртта станокни бошқариб, ҳар сменада 55—60 метр атлас тўқияпти. Бу кунлик нормадагидан 5—6 метр кўп демакдир.

А. МИРЗАЖОНОВ сурати.

«Абушқа»нинг қайтиши

Жумҳуриятимизга Американинг Индиана штатидан ташриф буюрган Уильям Вуд шарқшунослик ва айниқса Огаҳийнинг «Фирдавсул-иқбол» асарига қизиқаётганлигини билдирган, бунинг эвазига чет эл кутубхона ва қўлёзма фондларидаги эски ўзбек тилига оид адабиётлар юборишни ваъда қилган эди. Бу йил у ваъдасига биноан Австрия пойтахти Вена кутубхонасида сақланаётган Алишер Навоий асарларига тузилган, фанда «Абушқа» (чол, қария) номли машҳур луғатнинг микрофильмини юборди.

Шундай қилиб, яна бир ноёб ёдгорлик ўз ватанига қайтди. Бу луғат икки жиҳатдан диққатга сазовор.

Биринчидан, унда Алишер Навоий давридаги ўзбекларнинг тили ҳақида ноёб маълумотлар сақланган бўлиб, мингдан ортиқ туркий сўзларнинг талаффузи ва ёзилиши ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Иккинчидан, бу қўлёзма ҳозирги дунё фондларида аниқланган «Абушқа» луғатининг энг қадимги нусхасидир. Луғат охирида кўчирилган йили ва китобат санаси аниқ кўрсатилган.

Бундан тўрт юз ўттиз етти йил муқаддам китобат қилинган бу қўлёзма бизнинг кунгача ёдгорлик сифатида етиб келган экан, уни чуқур ўрганиб, ўзбек илмини ривожлантиришда фойдаланиш ҳар биримизнинг вазифамиз.

Эргаш УМАРОВ,
илмий ходим.

ДЕҲҚОН ВА ЗАМОН

2. Ер, мулкчилик ва ижара

Юқорида келтирган фактлардан маълумки, деҳқончилигимиз таназзулга юз тутган. Уни на пул, на ҳаммамизнинг — ёшу қарининг биргалашиб қилган меҳнатимиз, на техника, на ўғитлар қутқаролмайди. Уни бундай аянчли аҳволдан фақат деҳқон олиб чиқиши мумкин. Бунинг учун эса, аввало деҳқон ер мулкчилиги ҳуқуқлари яна қайтадан тикланиши керак. Энг самарали мулк — давлат ер мулки, хўжалик — давлат хўжалиги деган, эскидан қолган ақида-ю, андозалардан воз кечиш зарур.

Капиталистлар ердан турли хил: шахсий, кооператив, ижара, фермер, давлат мулки шаклларида фойдаланадилар. Ҳар бир даврда, шароитига қараб инсоният ердан фойдаланишдаги мулкчиликнинг турли хил усулларини қўллаб келган. Масалан, ҳозир бизда авж олдирилаётган мулкчиликнинг ижара шакли Англияда XVI асрдаёқ анча тараққий топган. Инқилобдан олдинги даврда, Хива хонлиги ердан фойдаланишда мулкчиликнинг асосан уч хил усули, яъни: подшолик ер мулки, мулки вақф ва мулки холис шаклларини қўллаган. Қисқаси, ердан фойдаланиш санъати мулкчиликнинг энг яхши самара берадиган турини аниқлаш ва уни ишлата билишда. Бизда ҳозир ана шу санъат етишмайди.

Фикримча, Ўзбекистондаги жами ерни, ер ости бойликлари ва сув ресурсларини умумхалқ мулки, деб эътироф этган ҳолда, улардан фойдаланишда жумҳурият, вилоят, ноҳия, колхоз-кооператив, шахсий, ижара, деҳқон ва ҳоказо мулклари шаклларини қўллаш ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан тўғри бўлур эди. Ҳеч бўлмаганда, уларга хўжайин, соҳиб бўлардн. Ундан тўғри фойдаланишга масъулият ошарди. Ҳозирги кунда эса ер, сув ва ер ости бойликлари шаклан умумхалқ мулки дейилса ҳам, моҳиятан маҳкамаларникидир. Масалан, шу пайтгача ернинг хўжайини агросаноат, ижроқўм, сувнинг эгаси Сув хўжалиги министрлиги, ер ости бойликлари эса бошқа бир маҳкама ихтиёрида эди. Маҳкама бу бошқарув аппарати у бугун бор, эртага эса йўқ. «Келиб кетувчи» идора. Шунинг учун ҳам улар «бойликлардан» ўзлари хоҳлагунча фойдаланишлари мумкин. Шундай бўлиб келди ҳам. Чунки улар ҳеч ким олдида жавобгар эмас. Ер, сув ва ер ости бойликлари ҳуқуқий ташкилотлар олий кенгаши ва халқ депутатлари кенгаши ихтиёрида туриши керак. Уларни ижроқўмлар ихтиёрига ҳам бериб бўлмайди. Ердан, сувдан ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳақида қонун керак. Акс ҳолда, уларни талон-тарож қилиш давом этаверади. Масалан, Аму билан Сирнинг сувини қайси маҳкама ва жумҳурият, вилоят қандай хоҳласа, шундай талади, таламоқда. Натижа ҳаммага маълум. Ер ва ер ости бойликлари ҳам, худди сувдек талон-торож қилинмоқда. Ер ости бойликлари ҳақидаги сир ҳамон сирлигича қолмоқда. Бундан нима фойда? Кимдан бойликларни сир тутишмоқда, ўзимизнинг халқданми? Бунақанги сир тутишлар, ўзини алдашлар Сталин давридан бери яшаб келаётган, халқни руҳий эзишга қаратилган воситалардир.

Ўзбекистон шароитида ердан фойдаланишнинг энг самарали шакли—шахсий ва ижара мулкчилигидир. Ҳозир шахсий хўжаликларда гектар бошига 12 минг сўмлик маҳсулот етиштирилмоқда. Бу давлат ва колхоз ерларидагига қараганда олти баравар кўпдир. Шахсий хўжаликларнинг ери барча экинзорларнинг 4,2 фоизини ташкил қилгани ҳолда, жумҳурият деҳқончилигидаги маҳсулотнинг 39 фоизини бермоқда. Гўшт билан сутни ярмидан кўпи ҳам шахсий хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Булар масаланинг иқтисодий томони. Унинг маънавий томони ҳам бор. Деҳқон ерга эга бўлгандан кейин, унга хўжайинлик, соҳиблик ҳуқуқлари қайта тикланади. Ҳозирча улар «яратувчи» ва «ўзгартирувчи» амалдорларга тобе психологияда яшаб келаётирлар. Деҳқон давлат даласига ҳам, ундаги меҳнати натижасига ҳам лоқайд бўлиб қолмоқда. Масалан, деҳқон ўз боғидаги узумни давлатникидек «самосвал» машинага тупроқ ортгандек юклаб бозорга олиб борадими? Ёки помидорини қабул пунктларига навбат кўплигидан топширолмай давлатникидай чиритиб юборадими? Албатта, йўқ.

Ердан фойдаланишнинг мулки формаларини тубдан ўзгартириш учун сиёсий вазият, имкон бор. Партия ва ҳукуматимизнинг бу ҳақда қарорлари бор. Лекин, амалда бу иш жуда қийинчилик ва қарама-қаршиликлар билан бормоқда. Баъзи жойларда очиқдан-очиқ ижарани тўхтатиб қўйишди. Баъзи жойларда эса ерни шахсий хўжалик ёки ижара бериш раҳбар ходимлар учун таъмагирлик манбаига айланди. Ижарани бутунлай нотўғри, саводсизларча қўллашлар ҳам учраб турибди. Амалдаги ижара моҳият жиҳатдан деҳқончиликни ташкил қилишнинг эски усулидан фарқи йўқ. Ҳозирги ижара деҳқонга ер ва эркин том маънода бермайди.

Шу ўринда деҳқоннинг чўнтагини қуритаётган яна икки муаммо устида тўхталмоқчиман. У «соқолига оқ тушган» бўлса ҳам боқимонда бўлиб юрган колхоз ва совхозлар. Улар деҳқон бўйнига оғир юк бўлиб тушмоқда. Бундай боқимандаларни тарқатиб юбориб, деҳқонга ёки истаган ташкилотларга ижарага бериш маъқул.

Деҳқон бўйнидаги иккинчи бўйинтуруқ эса керагидан ортиқча бўлиб кетган бошқарув аппаратидир. Уни икки-уч баравар қисқартириб юбориш мумкин. Уларнинг иш ҳақини колхоз ёки совхознинг соф даромадига боғлиқ қилиб қўйиш керак. Дейлик, колхоз бир ёки икки миллион соф даромад олди. Бу пуллар давлат банкида турса, бир йилда биринчи ҳолда 30 минг, иккинчисида эса 60 минг сўм қўшимча фойда олиб келади. Ана шу қўшимча фойда аппарат ходимларини иш ҳақи фондини ташкил қилмоғи керак. Хоҳласа, буни аппаратдаги беш киши, хоҳласа юз киши бўлиб олсин. Ҳозир эса колхоз ёки совхоз давлатдан миллионлаб қарз бўлса ҳам, аппаратдаги ходимлар кафолатланган иш ҳақи оладилар. Демак йилдан йил шарга ўхшаб шишиб кетаётган аппаратни қисқартириш ва деҳқонни яна бир бўйинтуруғидан халос этиш мумкин.

Ҳозир Ўзбекистон бўйича ҳар 6—7 деҳқонга бир бошлиқ тўғри келади. Ҳисобимча, уларнинг ўртача иш ҳақи ойда 225 сўмни ташкил қилади. Баъзилариники 500—600 сўмгача ҳақ оладилар. «Пром»дагиларни — боқиш учун бир колхоз, масалан Шаҳрисабздаги Энгельс номли хўжалик бир йилда 250—300 минггача пул ажратади. Тўғрироғи, бу пул деҳқонлардан тортиб олинади. Уларнинг иш ҳақи кафолатланган, деҳқон эса ҳалол иш ҳақини ойлаб кутишга ўрганиб қолган. Деҳқон агросаноатлару, мутасадди министрликларни боқиш учун ҳар куни 50 сўмдан пул ажратиб келаётир. У буни ё билади, ёки билмайди. Тўғрироғи, билмайди. Билдирилмайди.

Деҳқонга, колхоз, совхозларга «юқоридан» план беришни ҳам тўхтатиш керак. Юқорининг планлари «пастнинг» планлари асосида қурилиши керак. «План бурч, мажбурият — шараф» деган фирибли шиорлар ўйлаб топилган гаплар. Масалан, ўзингиз ўйлаб кўринг, қўйнинг урғочи ёки қўчқор туғишини режалаштириб буладими? Лекин бу ҳам планлаштирилган. Кулгили ҳол. План ва уни бажариш мақсад бўлган давр учун керак эди булар. Шу асосда бировга мукофот, бировга эса жазо аниқланган. Дейлик, икки колхозни олайлик. План бўйича, биринчиси ҳар сигир ҳисобида 3000 литр сут, иккинчиси 2000 литр сут етиштириши керак. Амалда биринчи 2999 литр, иккинчиси 2001 литр сут етиштирса, мажбурият бошқариш системаси ва унинг тўралари учун иккинчи колхоз илғорлар сафида туради. Чунки у планни бажарди. Мукофот ҳам уники. Жазо эса биринчи колхозники. Аслида эса биринчи колхоздан жамият кўпроқ манфаатдор. Ўшандан, 30-йиллардан бошлаб ҳозиргача деҳқон маҳсулотининг соҳиби эмас, аппаратнинг — «юқорининг» план талаб маҳсулотини ишлаб чиқаришга ва планталаб нархда сотишга мажбурлар. Колхозлар номигагина мустақил. Моҳият жиҳатдан планга хизмат қилувчи деҳқонлар уюшмасидан иборат. Улар, ҳатто техника ёки минерал ўғитларни ҳам аппарат белгилаб қўйган нархда ва миқдорда сотиб олишга мажбурлар. Улар кераками ёки нокеракми — аппаратни қизиқтирмайди. Бу ҳам ҳали ҳеч гап эмас, техникани етказиб берадиган, ишлаб чиқаришга умуман қатнашмайдиган таъминот ташкилотлари, аслида завод билан колхоз ёки совхозлар ўртасида даллол, даллоллиги учун техниканинг устига 13 фоиз нарх қўйиб сотади. Даллол чўталини сотувчидан олади. Бу ерда эса сотиб олувчидан олади. Деҳқоннинг чўнтагини сичқондек кемирадиган ташкилотлар ҳали жуда кўп.

Бундан қутилишнинг ягона ва тўғри йўли деҳқонга, колхозларга қоғозда эмас, амалда эркинлик берилиши керак. Деҳқон хўжалиги ҳақида, деҳқонни ҳимоя қилувчи қонунни ишлаб чиқишга вақт етиб келди.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатдики, халқнинг тўқлиги деҳқоннинг ижтимоий ўрнига ҳам боғлиқ. Биздан бошқа барча юқорида санаб ўтилган мамлакатларда деҳқон энг ҳурматли киши. Уларнинг яшаш шароити, турмуш тарзи шаҳарликларникидан устун. Бизда бунинг акси. Шаҳарликларга давлат текинга уй қуриб беради. Қишлоқликлар азоб билан ўзлари уй қуриб олишади. Шаҳарликлар 1 кило гўштни 2 сўмдан, қишлоқликлар эса 5—7 сўмдан сотиб олишади. Шаҳарликларнинг боласи тоза-озода боғчада тарбияланса, қишлоқ болалари дала шийпонларида кун кечиради. Шаҳарда болалар боғчаларда ҳар хил ўйинчоқлар билан ўзини овутса, деҳқон фарзанди тол чўпдан «от» ўйнайди. Шаҳарликлар газ ёқса, қишлоқ аёлининг димоғи таппи ҳидидан ачишади.

Ана шу чигалликлар ўз ечимини топсагина, ўша бири икки бўлмайдиган ҳамюртимнинг рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлади.

Фарҳод РЎЗИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Нотиқлар беллашуви

Инсоният қайси жамият ёки қайси тузумда яшамасин, ўзида нотиқларга эҳтиёж сезган. Нотиқлар ўз нутқлари билан халқни ишонтира ва эргаштира билганлари учун ҳам қадрланганлар. Нотиқлик худди рассомлик, хонандалик ёки шоирлик каби санъат ҳисобланган. Фақат бизнинг яқин ўтмишимиздагина, ҳамма соҳада бўлгани каби, бу санъатга ҳам нописандлик билан қарала бошланди. Юқоридан бизнинг нотиқларимиз нутқлари таъсирчанлигига қараб эмас, сонига қараб сўраладиган бўлди. Сон кетидан қувиш, одатдагидек сифат бузилишига олиб келди. Натижада халқ нотиқларга ишонмай, демакки эргашмай қўйди. Бугунги, долғали давримиз учун эса улар сув ва ҳаводек зарур. Чунки, ошкоралик ва демократия сабабли, қолаверса, давр талаби билан бизнинг жамиятимизда ҳам «норасмий» уюшмалар пайдо бўла бошлади. Ҳозирда уларнинг сони Иттифоқ бўйича ўттиз беш мингга етиб қолгани қайд этилмоқда. Уларнинг орасида халқ дарди билан яшаётган чин инсонлар қаторида ошкораликни қалқон қилиб, қайта қуришга қарши курашаётган муҳолифлар ҳам йўқ эмас. Шундай экан, қайта қуришнинг байроғини дадил кўтарадиган, у ўртага ташлаган ғояларни тўғрилигича халқ онгига етказиб бера оладиган, нотиқлар керак. Токи халқлар орасига атайлаб, миш-мишлар орқали низо солаётган муҳолифларимизнинг туб илдизларига болта ура олсинлар. Уларнинг нутқини фактга бойлиги ёки сўзамолликлари билан белгилаб бўлмайди. Нотиқ, аввало, ишонтира билиш санъатига, фактни фақатгина қоғозлардан эмас, балки, ҳаётнинг ўзидан олишга, уни бўлаётган воқеа — ҳодисаларга боғлаб тингловчининг юрак-юрагига кириб бора билиши керак.

Нотиқлар бугунги кунимиз учун зарур эканлигини ҳис қилган жумҳурият «Билим» жамиятининг саъй-ҳаракати билан шу йилнинг 13 декабрь куни, пойтахтдаги «Билимлар уйи»да, жумҳурият ёш нотиқларининг беллашуви бўлиб ўтди. Беллашувда барча вилоят, шаҳар ва ноҳиялардан келган ёш нотиқлар иштирок этдилар. Ушбу беллашувнинг ғолибаси сифатида тан олиниб, ҳакамлар томонидан биринчи ўринга лойиқ топилган В. И. Ленин номидаги Хоразм Давлат педагогика институтининг иккинчи курс талабаси Нигора Самандарова ўзининг «Ёшларнинг қайта қуришдаги фаолияти» деб номланувчи нутқида, жумладан шундай деди:

— Жумҳуриятимизда битта эмас, балки бир нечта ёшлар ташкилоти бўлиши керак. Комсомол уларга душман сифатида қарамасдан ёрдам қўлини чўзмоғи ва биргаликда ишламоғи зарур. Комсомолнинг мавқеи тушиб кетишига ҳам, асосан яккаҳокимликка интилиш, ёшларни у хоҳлаш—хоҳламаслигига қарамасдан, унга аъзо бўлишга даъват этиш ва ёппасига аъзоликка қабул қилишлар сабаб бўлди.

Беллашувнинг яна бир ғолибаси, иккита иккинчи ўриндан бирини қўлга киритган Бухоро педагогика институтининг тўртинчи курс талабаси Сурайё Шарипова «Қайта қуриш ва ёшлар» деб аталган нутқида шундай фикр юритди:

— Иттифоқимиз аҳолисининг қарийб қирқ уч фоизини ёшлар ташкил қилади. Уларнинг сиёсий онгларини оширадиган, тарбиялайдиган, билим олиш, дам олиш шароитлари билан қизиқадиган одамларнинг ўз ишларига совуққон қарашлари оқибатида, ёшларимиз орасида ҳар хил кўнгилсиз ҳодисалар юз бермоқда. Бунга биргина мисол: кейинги пайтларда ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни кескин ошиб кетиши. Жиноятчилик бугун бутун Иттифоқимизни ўйлантириб турган масала. Биз жиноятчини тутиш, жазолаш билан ҳеч нарсага эришолмаймиз. Аввало, ёшларимизни жиноятчиликка ундаётган омилларни топиш, уларга чек қўйишимиз лозим.

Мамлакатимиз ёшларининг билим олиш даражалари умумжаҳон ёшларининг билим олиш даражалари билан тенглаштирилганда, биз қирқ иккинчи ўринда турар эканмиз.

Ушбу тадбирнинг иккита учинчи ўринидан бирига лойиқ топилган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Мақсуд Усмоновнинг нутқи эса «Демократия ва ошкоралик қайта қуриш гарови» мавзусида бўлди.

Умидли ёшларимиздан икки киши — Тошкентдаги ЎзФАнинг тарих институти ходими Марат Ҳожимуҳамедов ва Олмалиқ шаҳридаги 11-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Александр Новоселов февраль ойида Москвада ўтказиладиган Бутуниттифоқ ёш нотиқлар беллашувида қатнашадиган бўлдилар.

Ислом ҲАМРО.

Хорижддан хабарлар

Телетайп лентасидан

ГАВАНА. Куба социализм йўлидан ҳаракат қиляпти. Ҳеч ким ва ҳеч нарса унинг бу йўлдаги ҳаракатига ҳалақит бера олмайди. Фидель Кастро Куба телевидениеси мухбири билан суҳбатда шу ҳақда гапирди.

Ўтган йили Куба меҳнаткашлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги бир қанча программаларни муввафақиятли амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилдилар, деди у. Ана шу программаларнинг аксарияти шу кунларда ниҳоясига етказилди. Куба раҳбари пойтахтда бир неча поликлиника, мактаблар, болалар боғчалари ва бошқа қатор иншоотлар қурилиши тугатилганлигини таъкидлади.

Фидель Кастро саноат программалари, жумладан атом энергетикаси ва металлургия соҳасидаги программалар муваффақиятли бажарилаётганлигини, шунингдек қишлоқ хўжалик ходимларининг зафарлари тўғрисида ҳам маълум қилди. У Кубада хорижий туризмни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади, бу соҳада ҳали кўп имкониятлар мавжудлигини кўрсатиб ўтди.

ПАРИЖ. Исроил президенти Хаим Герцог фан ва техника министри Эзер Вейцманни у Фаластин Озодлик Ташкилоти вакиллари билан ҳақиқатан ҳам алоқада эканлигини тергов аниқлагунича эгаллаб турган лавозимидан бўшатишни таклиф этди.

Франс Пресс агентлиги маҳаллий телевидение орқали эшиттирилган хабарга асосланиб Қуддусдан хабар қилишича, Герцог бош министр Ицхак Шамир меҳнат партиясининг Исроил коалицион ҳукуматидаги вакили Эзер Вейцманни якшанба куни истеъфога чиқарганидан сўнг шундай таклифни айтди.


Шамир бундай қарорга келганлигига Вейцманнинг Фот вакиллари билан учраганлигини, Ясир Арафатга хат юборганлигини ва ундан хатлар олиб турганлигини баҳона қилиб кўрсатди. Бу айблар, жумладан Исроил разведка хизмати маълумотларига кўра, тасдиқланмоқда.

ОТТАВА. «Биз умуммиллий ишончнинг етти йиллик даври билан хайрлашаяпмиз» — «Торонто стар» газетаси ГЭЛАПП институти Янги йил бошланишидан сал олдин ўтказган жамоатчилик сўраб билиш натижаларини шундай шарҳлайди.

Савол-жавобга қатнашганларнинг атиги 36 фоизи 1990 йил аввалги йилга қараганда яхши бўлади, деб ҳисоблайди. Мамлакат иқтисодиёти навбатдаги оғир тушкунликка учраган 1982 йилдагина канадаликларнинг келажакка бўлган ишончи худди шундай пасайиб кетганлиги қайд этилганди.

Сўраб билишда қатнашганларнинг яна шунчаси, 36 фоизи 1990 йил ҳозиргина тугаган йилга нисбатан ёмон бўлади, деб ўйланмоқда. Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳозирги пайтда шу даражада секинлашиб қолганлиги муносабати билан билдирилаётган ташвишлар мамлакат аҳолиси кўпчилик қисми тушкунлик кайфиятида эканлигига асосланади. Жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари канадаликларнинг 60 фоизи ишсизлик янада кўпайишини кутаётганлигини кўрсатди.

(ТАСС, 2 январь).



Сиз кўриб турган бу одатдан ташқари суратни биз Америкада чиқадиган ҳафталик «ТАЙМ» журналидан олдик. Унда Комптон (Калифорния штати) мактабларидан бирининг ўқувчилари полга ётган ва қўллари билан бошларини тўсган ҳол тасвирланган.

АҚШнинг бир қатор ўқув юртларида фавқулодда вазиятда омон қолиш машқини мана шундай ўтайдилар.

Буларнинг ҳаммаси табиий, оддий эмас. Статистика маълумотларига қараганда, АҚШда барча йўналишлар бўйича жиноятчилар сони ўсиб бормоқда. Улар орасида ўсмирлар ҳам бор.

ТАСС сурат хроникаси.

АВСТРАЛИЯЛИК АЁЛНИНГ ТАШАББУСИ

КАНБЕРРА. ТАСС мухбири Алексей Воронин хабар қилади: «Уч минут сукут сақланади», уч минут... Ана шу дақиқалар ичида сайёрамизда тинчлик, атроф-муҳит, инсониятнинг истиқболи ҳақида ўйлаб оламиз. Биринчи январь куни эрталаб, маҳаллий вақт билан соат 11 да «уч минут сукут» сақланди. Австралиядаги Аделаид шаҳри яқинидаги тўқимачилик фабрикаси ходимаси Мэри Кассини ташаббуси билан жаҳондаги кўп мамлакатларда олти йилдан бери ана шу тадбир ўтказилмоқда.

«Уч минут сукут сақлаш»нинг ғояси шундаки инсониятни мана шу дақиқалар ичида фақат бир нарса ҳақида ўйлашга жалб этишдир. Турли мамлакат одамлари Янги йилнинг биринчи кунида уч минутни тинчлик тўғрисидаги ўй-фикрларга бахшида этсалар, унда уруш хавфи янада камаяди, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда М. Кассини.

1983 йилда Аделаидда тинчликни ҳимоя қилишга бағишлаб митинг ўтказилганида менда ана шундай тадбир ўтказиш фикри туғилганди. Муниципалитет биносидаги соат роппа-роса 11 га занг урганида, ҳамма қўлни-қўлга бериб саф тортди. Ана шунда бутун жаҳонда орзу-ниятлар ҳамда ўй-фикрларни бирлаштиришга интилсак, қандай яхши бўларди, деди М. Кассини.

Сайёрамизда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар халқаро муносабатларда янгича тафаккурнинг мустаҳкамланиши «уч минут сукут сақлаш» тадбири муваффақият қозонишига жуда катта ёрдам берди, деб ҳисоблайди М. Кассини. Айни вақтда у ҳар йили ўтказиладиган мазкур тадбир дунё кейинги вақтда анча хавфсиз бўлишига, одамлар ядро ҳалокатидан камроқ қўрқишига, муҳолифлик ўрнини ҳамкорлик эгаллашига ҳисса қўшди, деб ўйлайди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ГИННЕСНИНГ РАҚИБИ

● ҲИНДИСТОННИ ажойиботлар мамлакати деб, бежиз айтишмайди. 850 миллион аҳолиси бўлган бу мамлакат камдан-кам учрайдиган ғаройиб воқеаларга бойдир. Масалан, Шридхар Чиллал исмли киши чап қўлида бир метрлик тирноғ ўстирган бўлса, Мати Жагдамба сочининг узунлиги 640 сантиметрдир. Уларнинг иккиси ҳам «Гиннеснинг рекордлар китоби» тимсолида ташкил этилган «Лимкининг рекордлар китоби»дан ўрин олган. Бу нашрдан турли антиқа воқеаларни ўқиш мумкин.

35 КИШИЛИК ВЕЛОСИПЕД

● БЕЛЬГИЯЛИК ҳаваскор-конструкторлар бир вақтда 35 киши ўтириши мумкин бўлган антиқа велосипед ихтиро этишди. Унинг узунлиги 21 метр бўлиб оғирлиги бир тоннадир. Лекин, шунга қарамай бу улкан велосипедни бошқариш жуда осон.

СТАДИОНДА... ҚЎЛГА ТУШДИ

● ЯНГИ ОРЛЕАН шаҳрида яшовчи Керри Уильямс исмли муттаҳам Энтони Уик уйини «тинчитиб» кетди. Ўғирланган нарсалар ичида футбол ўйинига мавсумий абонемент ҳам бор эди. Икки кундан кейин ашаддий ишқибоз бўлган Керри стадионга тушиб, уй эгаси билан юзма-юз тўқнашиб қолади. Маълум бўлишича, Энтони абонементи ўғирланганини стадион раҳбарларига айтган, улар абонементнинг иккинчи нусхасини беришган. Ўз вақтида етиб келган полициячилар ўғрини қўлга туширишди.

ОЁҚ КИЙИМЛАР КЎРГАЗМАСИ

● ГАИТИ пойтахти Порт-о-Пренсе шаҳрида оёқ кийимлари кўргазмаси ўтказилди. Унга кираверишда жуда ҳам катта этик осиб қўйилганди. Бу улкан этикни тикиш учун 14 минг квадрат дециметр тери, икки килограмм мих ишлатилди. Афсуски, уч кундан кейин этикни ўғирлаб кетишди. Қидирув ҳеч қандай натижа бермади.

ХАЛҚ БИЛАН БИРГА—ҚАЙТА ҚУРИШ ЙЎЛИДАН

(Боши 1-бетда).

Айтилганлардан қуйидаги асосий хулосаларни чиқариш мумкин.

Съездда ва жамиятда кучларнинг табақаланиши яна ҳам авж олди. Қайта қуришни рўкач қилиб сафсатабозлик қилишдек ниқоб улоқтириб ташланди. Ижтимоий тузумга қарши бўлган кучлар партияга, социализмга, тузумимизга бевосита ҳужумга ўтдилар. Бунинг учун барча воситалар — партия ва халқнинг ўтмиши ва бугунини ялписига қоралашдан тортиб очиқдан-очиқ дағдаға ва қаттиқ талабномалардан фойдаланилмоқда.

Съездда 9 декабрь куни Пленумда белгилаб чиқилган сиёсий йўлни ўтказишга муваффақ бўлинди. Аммо Съезд чоғида партия бўлинди — КПССдан Литва Компартияси ажраб чиқди. Агар бу жараён тўхтатиб қолинмаса, бу сиёсий кучларнинг жойлашувини ўзгартириши ва оқибатда ССР Иттифоқининг тарқалиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ҳозир кучларнинг жойлашуви қуйидагичадир.

1. Партия позицияларида мустаҳкам турган ва партия йўлини собитқадамлик билан ўтказаётган депутатлар.

2. Социализмга душман бўлган кучлар, улар қайта қуриш тўлқинида сафсатабозлик эвазига ишонч қозондилар, эндиликда эса ниқобни улоқтириб ташлаб, партияга қарши, социализмга қарши позицияда туриб очиқ-ойдин ҳаракат қилмоқдалар.

3. Сиёсий жиҳатдан тажрибасиз бўлган, аксарият иккиланаётган кишилар, улар партияга ишонадилар. Аммо буларни шартаки сафсатабозлик ўз домига тортиши мумкин. Бу кишиларнинг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Уларнинг кўпчилиги ҳозир партия билан ҳамнафасдир. Халқнинг жигарбанди бўлган бу кишилар Съезд залига халқ кўнглида ниш урган сабрсизлик ва норозилик кайфиятларини олиб келмоқдалар.

Душманларимиз худди ана шу кайфиятларни ҳисобга олиб, гоҳо тўла текисчилик ҳақидаги гапларни, гоҳо даромадларни қайта тақсимлаш тўғрисидаги ғояларни ўртага қўймоқдаларки, бундан мақсад одамларнинг норозилигини партия, совет, давлат аппаратига қарши қаратишдир, бунда: аҳолини озиқ-овқат ва рисоладагидек ҳаёт кечириш учун зарур бўлган бошқа нарсалар билан таъминлаш ишидаги аҳвол нечоғлик ёмон бўлса шунча яхши, деган принципга амал қилинмоқда. Нима учун бундай қилишмоқда? Бунинг боиси шундаки, бугунги қийинчиликлар, истеъмол бозоридаги аҳволнинг ёмонлашуви сабабли одамларнинг норозилиги ва қаҳри, аввало, марказ ва жойлардаги партия, совет органларига қарши қаратила- [illegible]

[illegible] раммаси ва уставига эга бўлган мустақил партия тузиш тўғрисидаги қарорига ажралиш деб, қайта қуриш ишини барбод этиш деб аниқ-равшан баҳо берди.

М. С. Горбачев докладида партия тарихидаги мисли кўрилмаган ана шу ҳодиса батафсил таҳлил қилинди ва баҳолаб берилди. Бунга илова қилиб шуни айтиш мумкинки, Литва Компартияси Марказий Комитетининг съездга ҳисобот докладида, съезд қабул қилган программа ва уставда, мақом тўғрисидаги қарорда, ёшларга мурожаатномада ва бошқа ҳужжатларда Литвага муносиб алоҳида социализм тўғридан-тўғри ва ошкора эълон қилинган, социалистик қурилишнинг ўтмишдаги бутун тарихи қолоқ ва ривожланмаган мамлакатнинг «ҳалокатли практикаси» деб қораланган, партиянинг раҳбарлик роли инкор қилинган. Литва Компартияси съезди аслида синфий позициялардан чекинди. «Бирор-бир синфнинг афзаллиги»дан воз кечди. Бирор-бир чеклашларсиз хусусий мулкчилик ва бозор экономикасига ўтиш эълон қилинди. КПСС билан «тенг ҳуқуқли шерикчилик муносабатлари» ҳам, Совет Иттифоқидаги бошқа республикалар билан иқтисодий муносабатлар ҳам бир қанча шартларга боғлиқ қилиб қўйилмоқда. Партиянинг «литваликларнинг манфаатларини акс эттирмаган ва ҳимоя қилмаган» ленинча миллий сиёсати батамом рад этилади. Бўлинмас Литва давлати эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети Пленумидаги нутқларда турлича таклифлар айтилди. Аммо ҳозирча узил-кесил қарор қабул қилинмаган. Сизга маълумки, Пленум ўз ишини якунлагани йўқ. Пленум Сиёсий бюро аъзоларига, Марказий Комитет секретарларига Литвага жўнаб кетишни, бошланғич ташкилотларда, партия комитетларида коммунистлар билан вазиятни муҳокама қилишни топширди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Литвага бориши ҳам мақсадга мувофиқ, деб топилди. Шундан кейин Пленум ўз ишини давом эттиради ва қарор қабул қилади.

Литва Компартиясида содир бўлган воқеани тўсатдан рўй берган якка-ёлғиз ҳодиса дебгина қарамасдан, балки сўнгги вақтда содир бўлган ва олис мақсадни кўзлаган айрим зарарли тенденцияларнинг энг охирги лекин бир-бири билан боғлиқ кўриниши деб қарамоқ керак. Пленумда партияга кенг кўламда ҳужум бошлангани ва унинг обрўсини мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида гапирилди. Кўп партия комитетлари ва ташкилотларининг бундан буёнги пассивлигига тоқат қилиб бўлмайди ва бу пассивлик хавфлидир, деб қатъиян таъкидланди. Партиядаги қайта қуриш жамиятда рўй бераётган [illegible]

кўнглига яқин олиб, норозилик ва сабрсизлик билан кутилаётган ва ниҳоят рўёбга чиқиши лозим бўлган орзу-умидларнинг сабабларини холисона ақл-идрок билан фаҳмлаб, шундагина одамларнинг хайриҳоҳлиги ва мададига умид боғлаш мумкин. Улар билан биргаликда келажак йўлини излаш, инсоният цивилизацияси ва тараққиёти йўлида муқаррар бўлган қийинчиликларни ижтимоий ларзаларсиз бартараф этиш лозим.

Фақат шундай ходимларгина эндиликда раҳбарлик лавозимларида ишлашлари, фақат шундай ходимларгина республика Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўлажак сайловда сайловчиларнинг мададига умид боғлашлари мумкин. Халқ фақат шундай кишиларгагина эргашади.

Афсуски, республикадаги кўпгина партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарларига омма билан ҳамнафаслик етишмаяпти. Шу боисдан ҳам партия ташкилотларининг, сиёсий ҳаёт майдонига чиққан жами ижтимоий кучларнинг биринчи навбатдаги вазифаси — жамиятнинг барча ижтимоий ташкилотлари ва сиёсий системанинг жами бўғинларидаги раҳбарлик лавозимларига халқ билан мустаҳкам алоқада бўлган, унинг орзу-ўйларини ўз орзу-ўйлари деб билаётган, янгича фикрлашга, коллектив ақл-идрок ва кенг меҳнаткашлар оммасининг коллектив хоҳиш-иродасига асосланадиган янгича ёндашувлар ва янги қарорларга ҳамқадам бўлган янги истеъдодли кучларни аниқлаш ва қўйишдан иборат.

Бу ўринда областлар, шаҳарлар ва районлардаги раҳбар кадрларимизга, расмий ёки норасмий ташкилотларга мансублигидан қатъи назар халқнинг тақдири учун жонкуяр бўлган барча ҳалол кишиларга ҳамкорлик учун йўл очиш зарурлиги, биргаликда ишлашга жалб этиш кераклиги, тегишли лавозимларга тайинлаш лозимлиги ҳақида яна бир карра эслатиб ўтишга тўғри келади. Фақат шу йўл билангина барча соғлом кишиларни жипслаштириш мумкин.

Жамиятимиз эндиликда шундай бир нозик чегарага келиб тақалдики, бу вазият бизнинг зиммамизга ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир киши ўз оиласи, болалари ва яқинлари тимсолида ўзи ҳақида чинакам ғамхўрлик қилинаётганини сезиб олиши, турмуши яхшилаётганини сезиб олиши учун мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган барча ишларни қилиш вазифасини юклайди. Фақат шугина танлаб олинган қайта қуриш йўли тўғрилигига, иккинчи Съездда тасдиқланган ҳукумат программасининг реаллиги ва самарадорлигига одамларни ишонтириши мумкин. Фақат шугина оммага келажак сари йўлимизда муқаррар учрайдиган қийинчиликларни бартараф этиш учун сабр-бардош ва куч-қувват бахш этиши мумкин.

Дарҳол қандай фавқулодда чораларни амалга оширишимиз керак?

Биринчи навбатда нархнинг кўтарилишини, меҳнаткашлар турмуш даражасининг пасайишини тўхтатишимиз, истеъмол бозоридаги аҳволни барқарорлаштиришимиз керак. Бунинг учун йилнинг биринчи кунларидан бошлабоқ интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, чайқовчиликка, нархнинг кўтарилиб кетишига, арзон молларнинг ғойиб бўлиб қолишига, тош-торозидан ва пулдан уриб қолинишига чек қўйиш учун жуда қатъий, борингки, фавқулодда чораларни кўришимиз керак. Бу ўринда кундалик ишни кучайтиришгина эмас, балки чинакамига кураш, чинакамига қатъий жанг қилиш керак.

Ижтимоий адолат принципи, ҳар бир меҳнаткашнинг, ҳар бир гражданнинг ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан кафолатланиши принципи, ҳокимият, бошқарув аппарати халқ тепасида турмаётгани ва айниқса унга қарши турмаётганлиги принципи, балки бу ҳокимият, бу бошқарув аппарати инсонга хизмат қилаётгани, унинг манфаатларини ҳимоя қилаётгани эндиликда партиямиз ва давлатимиз учун жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам биз жиноятчиликка, айниқса уюшган жиноятчиликка қарши курашни, хизмат мавқеининг ҳар қандай йўсинда суиистеъмол қилинишига қарши шафқатсиз курашни эндиликда шу куннинг биринчи даражали ва энг ўткир вазифаси деб биламиз. Шу муносабат билан қўшимча ер участкаси ажратиб бериш, якка тартибда уй-жой қуриш учун қарз бериш ва қурилиш материаллари сотиш масалаларини кўриб чиқишда таъмагирлик ва порахўрлик содир бўлаётгани ҳақидаги, тақчилликдан фойдаланиб чайқовчилик қилинаётгани ҳақидаги сигналлар ниҳоятда хавотирлидир. Ҳозирги вазиятда ана шу жиноятлар жиноий ишгина бўлиб қолмай, сиёсий тус ҳам касб этади.

Ўзбекистон ССР прокуратураси ва ички ишлар министрлиги, халқ партия касаба союзлари ишчи назорати органлари зиммасига ана шу хусусдаги ҳар бир сигнални жуда синчковлик билан ўрганиб чиқиш ва бундай сигнал тасдиқланганида жуда қаттиққўллик билан, айтиш мумкинки, шафқатсизлик билан чоралар кўриш вазифаси юкланди. Ҳозир ҳар бир оддий меҳнаткаш бошига тушган кулфат, қийинчилик ва етишмовчиликлар сабабидан кимлардир бойлик орттириши жараёнини қўлимиздан келган барча чоралар билан тўхтатишимиз керак. Шу хусусдаги бирор факт ҳам жазосиз қолмаслиги лозим. Ҳозирги вақтда жазосиз қолиш — шундоқ ҳам мураккаб, танг вазиятни тағин ҳам чигаллаштириш демакдир, жазосиз қолдириш натижасида суиистеъмоллар ва жиноятлар қайта-қайта такрорланаверади. Бунга чек қўйиш лозим ва чек қўйилади.

2. Аҳолининг озиқ-овқат таъминотини яхшилаш учун барча ресурсларни сафарбар этиш лозим.

Хўжаликлар ва шахсий секторда чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш бу борадаги асосий резервдир. Йилнинг Марказий Комитет бюросида кўриб чиқилган дастлабки якунлари шундан далолат бериб турибдики, ҳали бу соҳада жиддий силжишлар бўлгани йўқ. Кўпгина раҳбарлар ҳозиргача ҳам аҳволнинг жиддийлигини уқиб олишмаяпти.

Жуда ўткир ижтимоий муаммолар комплексини ҳал этишнинг тез самара берадиган бош воситаси томорқаларни кўпайтиришдир, биз бу ҳақда кўп гапирган эдик, шунга умид боғламоқдамиз; оилаларнинг ўзини-ўзи таъминлашини яхшилаш, бозорни тўлдириш, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини пул ишлаб топиш билан таъминлаш, уй-жой программасини амалга оширишни жадаллаштириш, такрор айтамизки, томорқани кўпайтиришга боғлиқдир. Қишлоқдаги 880 мингга яқин оилага 95 минг гектардан кўпроқ ер томорқа сифатида тақсимлаб берилди.

Аммо Сирдарё областида томорқа ажратиш ҳақидаги аризаларнинг фақат ярмидан сал кўпроғи, Бухоро областида 62 фоизи, Андижон ва Наманган областларида 66 фоизи, Самарқанд областида 68 фоизи қондирилди.

Буни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорини инкор этиш ва уни атайлаб бадном қилиш, деб баҳолаш керак бўлади. Шундай вазиятда Компартия Марказий Комитети Янги йилнинг биринчи кунларидан бошлабоқ барча областларда, районлар ва хўжаликларда шу ишни ҳамма ерда партиявий жиҳатдан текширишни бошлади. Одамларнинг турмушини яхшилаш йўлига тўғаноқ бўлаётган кишиларга нисбатан дарҳол ва конкрет чоралар кўрилади.

3. Якка тартибда уй-жой қуришни жадаллаштириш учун ёрдам бериш муаммоси ҳам шу вазифага монанддир. Маълумки, кейинги йилларда республикада якка тартибда уй-жой қуриш миқёслари кескин ошди. Агар бундан уч йил муқаддам биз 2,5—3 миллион квадрат метр уй-жой қурган бўлсак, 1988 йилда 4 миллион квадрат метр уй-жой қурдик. Дастлабки маълумотларга қараганда, якунланаётган йилда 4,8—4,9 миллион квадрат метр уй-жой қурилади.

Аҳолига ёрдам бериш учун кредит, бинокорлик материаллари, ер участкалари ажратилмоқда. Якка тартибда уй-жой қурувчиларга қарз бериш учун ресурсларнинг умумий ҳажми 1989 йилда 1,5 баравар кўпайтирилди ва 187 миллион сўмга етказилди.

Кўпгина корхоналар ўз ижтимоий ривожланиш фондларидан ходимларига ёрдам бермоқдалар. Масалан, Тошкентдаги авиаремонт заводида меҳнат коллективининг қарорига биноан уй-жой қурилишига 190 минг сўм, Ўзбекистон химия машинасозлиги заводида 74 минг сўм, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида 108 минг сўм кредит ажратилди.

1990 йилда якка тартибда уй-жойлар қуриш ҳажми ўсишини ҳисобга олиб, республика иттифоқ органлари олдига қўшимча равишда 650 миллион сўм пул ажратиш тўғрисидаги масалани қўйди: Ана шу маблағдан биринчи кварталда 110 миллион сўм кредит бериш мўлжалланган.

Афсуски, якка тартибда қуриш мўлжалланган уй-жойлар ҳозирча бинокорлик материаллари билан яхши таъминланмаяпти. Республиканинг фанер, ёғоч тахтага бўлган талаб-эҳтиёжларининг атиги ярми, шифер ва цементга бўлган эҳтиёжининг 70—80 фоизи қондирилмоқда. Шунинг учун 1990 йилда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган ҳар бир корхонада қувватларни анча ошириш зарур.

Шу билан бирга умуман республикада қишлоқ хўжалик органларининг буюртмаси асосида пудрат ва хўжалик усули билан якка тартибда уй-жойлар қуриш имкониятидан яхши фойдаланилмаяпти. Якка тартибда уй-жой қуриш шартларига кўра моддий-техника таъминоти давлат уй-жой қурилиши нормалари асосида марказлаштирилган тарзда амалга оширилмоқда.

Ушбу масалаларни ҳал этишда Фарғона водийсидаги бир қанча колхозларнинг ташаббуси қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Ана шу колхозлар ўз маблағларидан колхозчиларга уй қуриш учун қарз бермоқда. Бинокорлик материаллари ғоят тақчил шароитда Хоразм область ижроия комитетининг тажрибаси қўлланилмаяпти. Маълумки, область ижроия комитети ёғоч-тахта тайёрлаш ва ташиб келиш юзасидан Иркутск область ижроия комитети билан битим тузди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизни ёғоч-тахта, металл ва цементга айрибошлашни кенг синаб кўриш лозим. Бу борада Фарғона ва Самарқанд областларининг айрим районлари ҳамда хўжаликлари ҳозирдаёқ иш олиб бормоқдалар. Ресурсларни бозор фондлари асосида тақсимлашнинг ордер системасини жорий этиш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш зарур. Тошкент, Фарғона ва Хоразм областларининг иш тажрибаси бозор фондларининг юксак даражада самарали эканлигини кўрсатиб турибди.

Массивларни инженерлик коммуникациялари бўлган якка тартибдаги уй-жой қурилиши билан таъминлаш масалалари жиддий ҳавотирлик уйғотмоқда. 1990 йилда фақат Тошкент шаҳар ижроия комитети, Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент, Сирдарё ва Хоразм область ижроия комитетлари коммуникациялар қурилишига тегишли таклифларни тақдим этдилар.

Якка тартибда уй-жой қурувчиларга лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва қурувчиларнинг малакали ишчи кучлари билан ёрдам бериш ҳамда давлат капитал маблағлари ҳисобига уй-жойлар ва бошқа социал-маданий-маиший объектлар қуриш планлари сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур.

4. Бизда халқ истеъмол моллари бозорида тақчилликни камайтириш учун мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилмаган. Енгил ва маҳаллий саноатимизнинг барча корхоналари тўла қувват билан ишламаяпти. Бир қанча тикувчилик, пойабзал фабрикалари ва бошқа объектларни ишга тушириш муддатлари яна барбод этилди. Хўжаликлар билан саноат жиҳатидан ривожланган марказлар ўртасидаги бевосита алоқалар суст йўлга қўйилмоқда.

Биз СССР халқ депутатларининг II Съезди арафасида Москвада, Ўзбекистон ССР билан Ленинград области ўртасида ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва илмий-маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладик. Тюмень области билан ўзаро амалий алоқаларни йўлга қўяяпмиз. Ленинград ва Тюмень областлари қудратли саноат ҳамда илмий-техника потенциалига эгадирлар. Республикамизнинг бой имкониятларини ҳисобга олганда бундай бевосита алоқалар айниқса замонавий корхоналарнинг юқори малакали ходимларини, илмий кадрларни тайёрлаш ишида яққол ижобий натижалар бериши мумкин.

5. Одамларни, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси илгари кўп марта гапириб ўтилганидек, бугунги кунда принципиал жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Аслини олганда; бу вазифа республикамизда нима ҳақида гапирилмасин, қайси масала ҳал этилмасин, уларнинг ҳаммасига дахлдордир. Бусиз Ўзбекистоннинг ҳозирги куни ва келажагига дахлдор биронта муаммони жиддий муҳокама қилиб бўлмайди.

Ушбу масалалар юзасидан ҳукумат Фарғонадаги маълум воқеалардан кейин ишлаб чиқилган конкрет тадбирларни амалга оширишни кўзда тутмоқда. Водийда қўшимча иш жойларини жадал ташкил этиш юзасидан республика ўртага қўйган масалалар иттифоқ министрликлари ва идораларини жалб этиш йўли билан ҳал қилинмоқда. Аммо белгиланган программалар илгари бўлгани сингари қоғозда қолиб кетмаслиги зарур. Бунинг устига мана шу программалар ҳозироқ, Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ рўёбга чиқарила бошлаши лозим.

Ушбу вазифани ҳал этишда энг муҳим бўғин малакали кадрлар тайёрлаш масаласи эканлигини бугун яна бир бор таъкидлашни истардим. Бунинг учун энг аввало халқ таълими бутун системасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муаммосига янгича ёндашиш, уни қолдиқ ҳолатидан устун ҳолатга ўтказиш керак. Бу кадрлар соҳасидаги бутун ишимизнинг пойдеворидир. Ниҳоят шахсни ҳар томонлама уйғун камол топтириш тўғрисидаги сийқаси чиққан расмий гаплардан конкрет амалий ишларга ўтиш даркор. Мактабда, ҳунар-техника билим юртида, техникумда ва олий ўқув юртида барча зарур шароитлар яратиб берилгандагина одам замонавий билим, умуминсоний маданият, жисмоний камолот асосларини эгаллай олиши мумкин. Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун катта-катта маблағлар зарур ва биз бу маблағларни бюджет ҳисобидан ҳам, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ҳисобидан ҳам қидириб топишимиз керак. Бу масалага тор нуқтаи назардан эмас, балки кенг истиқбол позицияларидан ёндашиш даркор. Биз ҳаммамиз таълимга сарфланган маблағлар шу заҳотиёқ самара бера олмаслигини аниқ тушунишимиз лозим. Аммо бу орадан 5-10 йил ўтгач, албатта ўз самарасини беради. Бугунги кунда қанчалик кўпроқ маблағ сарфласак, шунчалик кўп самара беради. Бусиз келажак бўлмайди.

Муаллимлар меҳнати обрў-эътиборини ва омилларини ошириш зарур. Шундай қилайликки, муаллим, ўқитувчи шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам энг ҳурматли киши бўлсин.

Республикада ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш системасининг ташкилий структурасини яхшилаш мақсадида халқ таълими министрлигини ажратиш тўғрисидаги масала ҳал этилмоқда. Халқ таълими министрлиги шошилинч тарзда ва етарли даражада пухта асосланмай ташкил этилган эди. Болаларни танлаб олиш ва фан, маданиятнинг истиқболли тармоқларини, замонавий корхоналарни чуқур ўрганиш, муносиб ўринбосарлар етиштириш учун шароит яратиш мақсадида республикада интернат-мактабларнинг бутун бир тармоғини вужудга келтириш ишнинг муҳим йўналишидир.

Қобилиятли ёшлар мамлакатнинг энг яхши илмий марказларида ва чет элларда билим олиши учун уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида махсус фонд ташкил этилади. Ўзимизнинг илмий-методик мактабларимизни яратадиган, кадрлар тайёрлаш ишини сифат жиҳатидан янги даражага кўтара оладиган олимлар ва ўқитувчиларнинг янги авлодини етиштиришимиз зарур. Мана шу маданий ва инсонпарвар вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистоннинг барча жамоатчилик кучларини сафарбар этиш талаб қилинади. Биз олимларимиз, ёзувчиларимиз, бутун ижодкор зиёлиларимизнинг мана шу юксак маърифий ишда фаол қатнашишларига умид боғлаймиз.

18 февраль куни Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайловида республиканинг ижтимоий сиёсий турмушига, уни келгусида социал-иқтисодий ривожлантиришга оид кўпгина масалалар ҳал этилади. Биз Марказий Комитет Пленумининг топширувига биноан Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастурини ишлаб чиқдик ва эълон қилдик. Аҳоли турмушини, айни пайтда аҳоли категориялари ва социал группаларига қараб табақама-табақа реал яхшилаш ҳаракат дастурининг, белгиланган барча тадбирларнинг асосини ташкил этади. Аҳолининг кам таъминланган табақаларига ва кўп болали оилаларга, пенсионерларга ёрдамни кучайтиришга, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида ғамхўрлик қилишга, ёш авлодни камол топтириш учун шарт-шароитни яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Ҳаракат дастурини республика меҳнаткашлари маъқуллаб кутиб олдилар. Эндиликда иш ўзимизга боғлиқ. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаракат дастурини рўёбга чиқариш юзасидан, гарчи кичик бўлсада, дастлабки қадамлар қўйилиши ғоят муҳимдир.

Марказий Комитетнинг 1989 йил ноябрь ойининг охирида бўлиб ўтган пленумида биз бу ҳақда батафсил гапирган эдик. Бир қанча асосий қоидаларни эслатиб ўтиш зарур.

Моддий ва молиявий ресурсларда юз берган кескинликка қарамай аҳолининг даромади кам табақалари ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинишини мустаҳкамлаш учун 1990 йилдаёқ республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан қўшимча равишда 142 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиб бериш ва бошқа манбаларни ҳам сафарбар этиш имкониятини топдик.

Чунончи, умумий таълим мактабларида 1-5-синф ўқувчиларининг бепул овқатланишини ташкил этиш, камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларга ёрдам бериш учун 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Интернат уйларда овқатланишга қилинадиган сарф-харажатлар нормаси анча кўпаяди. Колхозларга қишлоқ касалхоналари ва болалар боғчалари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат харидги ҳисобидан қўшимча равишда маҳсулот ажратишга рухсат этилди.

Уруш ва меҳнат ветеранлари, пенсионерлар, ёлғиз гражданларнинг моддий аҳволи яхшиланади. Нафақалар ва пенсиялар миқдорини оширишга етти миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиш вазифаси қўйилмоқдаки, бу 55 минг кишининг турмуш даражасини оширишга имкон беради. Ана шу мақсадларни кўзлаб «Малика» трикотаж бирлашмаси, Наманган областидаги «Коммунизм» колхози, «Қизилровот» совхози ва бошқа ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан пенсия ва нафақаларга қўшимча ҳақ тўлашни жорий этиш тажрибасини кенг ёйиш лозим.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот ходимларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш кўзда тутилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ шаҳарларда шахсий квартираларда яшовчи мазкур соҳалар ходимлари учун коммунал хизмат ҳақини тўлашда имтиёзлар жорий этилади. Ўқитувчилар, врачлар, табобат ходимлари, ёш мутахассисларнинг жуда муҳтож оилалари учун уй-жой майдонлари, санаторий-курортларга йўлланмалар ажратиш мўлжалланмоқда. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг квартираларда яшовчи 78 минг нафарга яқин студенти ҳар ойда маълум миқдорда квартира ҳақи билан таъминланади.

Энди навбатдаги қадамни қўйиш муҳимдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети янги ўқув йилидан эмас, шу ўқув йилининг ўзидаёқ бошланғич синфлардаги барча ўқувчиларни бепул нонушта билан таъминлаш вазифасини қўймоқда. Сирдарё, Самарқанд областларидаги айрим районларда худди шундай тажриба бор. Текширишларнинг кўрсатишича, Қорақалпоғистонда, Фарғонада бунга қарама-қарши фактлар ҳам мавжуд, ана шу ерларда болалар овқатланиши учун фондда белгилаб қўйилган маҳсулотлар ҳам ажратилмаяпти. Бундай фактларга энди тоқат қилиб бўлмайди.

Сайловолди ҳаракат дастурини янада кенгроқ амалга ошириш республикадаги партия, совет, хўжалик идоралари ишининг асосий мазмуни бўлиши лозим. Давлат план комитети январь ойининг икки ўн кунлиги давомида ҳаракат дастурини босқичма-босқич бажаришнинг комплекс иш планини ишлаб чиқиб, министрликлар, идоралар ва областларга конкрет топшириқларни белгилаб бериши керак. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети эса январнинг охирида Президиумнинг кенгайтирилган мажлисида ана шу планни муҳокама қилиши ва тасдиқлаши, бу ишга ўзининг бўлимлари ва доимий органларини жалб қилиши керак.

Ўз навбатида Компартия Марказий Комитети, комиссиялар ва бўлимлар, барча партия комитетлари режалаштирилган ишларнинг бажарилишини ташкилий ва сиёсий жиҳатдан таъминлашлари ва назорат қилиб боришлари керак.

1990 йил партия ва халқ ҳаётида, қайта қуриш тақдирида кўп жиҳатдан янги маррани эгаллаш йили бўлади. Бу КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди йили, СССР халқ депутатларининг янги Съездлари йили, мулкчилик, ер, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида ҳамда социалистик жамиятимиз қиёфасини ўзгартириб юбориши лозим бўлган бошқа муҳим асосли қарорлар қабул қилинадиган йил бўлади.

Биз жамиятимизни демократиялаш жараёнини бошладик ва бу йўлдан қайтмай, демократиялашни янада ривожлантириш ниятидамиз. Худди шу мақсад йўлида ҳамма нарсани жой-жойига қўйиш, демократия билан анархияни, ҳуқуқ билан интизомни, ошкоралик билан тартибни аниқ белгилаб қўйиш ғоят зарур бўлиб қолди. Ўзини ўзи бошқариш йўлидаги дастлабки қадамлар, кооперативлар нақадар илғор бўлмасин, улар группа худбинлиги, план ва шартнома мажбуриятларини барбод этиш, арзон товарлар ва хизматларни йўққа чиқариш, товарлар ва хизматлар нархини сунъий равишда ошириш, ишлаб чиқаришда интизомни бўшаштириш ва жамоат тартибини бузиш каби салбий ҳодисаларни келтириб чиқарди.

Шунинг учун ҳам ҳозирги ғоят оғир вазиятда аҳволни ўнглаб олишда, танглиқдан чиқишда жамиятга фақат интизом ва тартиб ёрдам бера олиши ҳақида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Масъулиятни ошириш, меҳнат, ишлаб чиқариш, жамоат, партия, давлат интизомини мустаҳкамлаш ҳар бир ходим учун, у қаерда ва қайси вазифада меҳнат қилмасин, қатъий талабга айланиши, жамоат организмимизнинг барча бўғинларига сингиб бориши керак.

Равшанки, ана шу вазифаларни ҳал этар эканмиз, баъзи бировлар таклиф этаётганидек орқага қайтиш, ишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига зўр бериш мумкин эмас. Бу система жамиятимизга катта кулфат келтирди, шунинг учун ҳам бу система билан узил-кесил хайрлашиш лозим, у қайтмайдиган ўтмиш бўлиб қолиши керак. Демократиясиз, ошкораликсиз, барча кишилар, ҳамма ижтимоий табақалар ва гуруҳлар, ҳар бир инсон ва умуман халқ ўз иродасини эркин баён эта олмаса, жамиятимизни янгилаш ва унинг имкониятларини рўёбга чиқариш сари олға томон ҳаракат қилиб бўлмаслигини ҳаммамиз чуқур англаб етишимиз керак. Янги вазифаларни эски усуллар билан ҳал қилишга уриниш олдиндан барбод бўлишга маҳкум деган ҳақиқатни ҳаммамиз тушуниб олишимиз лозим. Шу сабабли одамлар билан ҳар куни, доимий маслаҳатлашиш, ишнинг янги йўлларини ва усулларини излаб топиш барча партия, совет, давлат ва хўжалик идоралари, ҳамма кадрлар фаолиятининг нормаси бўлиб қолиши даркор.

Барча партия комитетлари ҳамма жамоат, ташаббускор, норасмий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан мулоқотда бўлиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрлигини Марказий Комитет яна ва яна тасдиқлайди. Ҳеч қандай позиция, ҳеч қандай фикр ёки ташаббус, бошланган ҳар қандай иш нақадар кутилмаган ва ғайритабиий кўринмасин, жуда диққат билан, ғоят хайрихоҳлик билан ўрганилмай туриб, улардаги амалий ва фойдали жиҳатлар аниқланиб, қабул қилинмай туриб, олдиндан рад этилиши ва қораланиши мумкин эмас. Самимий янглишиш, ҳатто хатолар бўлиши мумкин. Бунинг учун одамларни қоралаш мумкин эмаску, ахир.

Сабр-бардошлилик, ҳатто тактика масалаларида ён бериш, хайрихоҳлик, бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилиш, қийинчиликларни бартараф этиш йўлида барча манфаатдор кучларнинг аҳиллиги ва жипслиги — давримизнинг қатъий тақозоси ана шундай. Биз бунга оғишмай амал қилаверамиз.

Лекин жамиятда яшаб туриб, ундан четда туриш мумкин эмас, деган қадимий ҳақиқат ҳам жуда тўғри. Шунинг учун ҳам демократия ва ошкораликни интизом ва масъулиятсиз амалга ошириб бўлмайди. Ҳар қандай жамият агар нормал яшашни ва юксалиб боришни истаса, марказда катта ҳокимиятни ёки жойларда кичикроқ ҳокимиятни қўлга киритиш учун қайта қуриш вазиятидан фойдаланиб қолишга уринаётган ҳар хил авантюрачилардан, сиёсий сафсатабозлардан ўзини ҳимоя қилишга мажбур, албатта. Социализм ўз имкониятларини тугатди, деган кишиларнинг фикрига биз қўшила олмаймиз, биз коммунистик идеалларимиз ва принципларимиздан воз кечмаймиз, ҳар қандай мухолифлар билан баҳсларда бу идеаллар ва принципларимизни ҳимоя қилишга тайёрмиз. Биз вазиятни беқарор қилишга қаратилган, тартибсизликлар ва қурбонлар эвазига сиёсий мансабпарастлар ҳокимиятни қўлга киритишига йўл очиб беришга, халқни тартибсизлик ботқоғига, ижтимоий ва миллий адоват ва кулфатлар ботқоғига судрашга қаратилган ҳар қандай жиноий ҳаракатларга қатъий чек қўяверамиз. Халқнинг ҳозирги куни ва келажагини кўзлаб бундай хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқамиз. Онгли равишда ана шу ботқоққа итараётган кишилар билан бир йўлдан бора олмаймиз.

Гап Янги йил арафасида одамларнинг кайфияти ҳақида бормоқда. Аслини олганда, бу — ҳар бир киши ўз йўналишларини аниқлаб оладиган, ўз ишига баҳо берадиган асосий, белгилаб берувчи ва ҳаракатга келтирувчи жиҳатдир. Бинобарин, каттами, кичикми — одамлар ишончига сазовор бўлган ҳар бир раҳбар ўзига айни шу позициядан туриб баҳо бериши лозим ва шарт. Ҳеч нарса бу баҳодан устун бўлмаслиги керак.

Бутун мамлакат каби республика ҳам жуда кўп қийинчиликларни, ҳаётий синовларни бошидан кечирди ва кечирмоқда. Ленин инсон ўз табиатига кўра ҳамиша, энг оғир дақиқаларда ҳам умид билан, яхшиликка ишонч билан яшайди. Бу умидбахшлик, ҳаётсеварлик бизнинг меҳнатсевар ва хайрихоҳ халқимизга тўла хосдир. Меҳнатчиларимизнинг ана шу ишончини аниқ-равшан, амалий иш билан мустаҳкамлаш учун бутун кучни сарфлаш, ҳар қандай, ҳатто юзаки қараганда, мумкин бўлмайдигандек туюлган чора-тадбирларни ҳам кўриш керак. Янги 1990 йил мана шу муҳим йўналишда катта қадамга айланиши лозим.

Муносабат

1989 ЙИЛ ҲАМ САМАРАЛИ, ҳам машаққатли ва айни пайтда масъулиятли бўлди. Жамиятдаги туб бурилишлар ва ўзгаришларга таъриф беришга зарурат йўқ. Муштарийларимизнинг юз бераётган жараёнларга қай даражада муносабат билдираётганликларини рўзномага йўллаган мактубларидан ҳам билса бўлади. 1988 йил жами 30 мингга яқин, 1989 йилнинг 1 декабрига қадар эса 60 мингдан ортиқ мактуб келди.


Шундан 1300 таси шикоят ва арзномалардир. Уларнинг 105 таси газетада эълон қилинди. 67 та ариза ва шикоят билан мухбирларимиз шуғулланишмоқда. 1000 та хат текшириб, чора кўриш учун турли ташкилотларга жўнатилди.

Ноҳақ ишдан бўшатилган турли касбдаги 160 киши редакция аралашуви билан ишга тикланди. 140 киши ўз вазифаси бўйича ишга жойлаштирилди. Олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, мандат комиссиясининг хатоси билан «йиқилган» уч киши олий ўқув юртларига қабул қилинди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, олтин медаль ололмаётган икки кишига олтин медаль, олий ўқув юртларини битириб, имтиёзли диплом ололмаган уч кишига имтиёзли диплом олишга кўмаклашилди.

Афғонистонда байналмилал бурчини бажариб келиб, имтиёзли гувоҳномасини йўқотиб қўйган 9 нафар жангчи имтиёзли гувоҳнома дубликатига эга бўлди. Ўн кишига ссуда олишда ёрдамлашилди. Вилоят ва ноҳия ижроия қўмиталаридан келган расмий жавобларда ўн кишига уй-жой ва ер, 100 та мактаб ва боғчаларни ремонт қилишда, 113 та қишлоқларда ҳаммом, йўл, қишлоқ врачлик амбулаторияси, савдо шохобчалари қурилишига маблағлар ажратилганлиги ҳақида маълум қилинган.

305 та жиноий иш ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан қайта кўриб чиқилди. Шундан 95 таси ўз исботини топмади. 50 та оилавий жанжал ҳал этилди. 144 та жиноий иш қўшимча терговга қайтарилди. Ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилган 10 киши оқланди. 34 та имзосиз хат келди.

Кейинги пайтларда редакциямизга ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ноҳақ ишдан бўшатилган собиқ ходимлари кўплаб мурожаат қилишмоқда. Ана шундай мактублардан 14 таси жумҳуриятимиз ички ишлар нозирлигига текшириб, чора кўриш учун юборилганди. Уларнинг 8 тасига ижобий жавоб олдик. 4 нафар милиция ходимининг ўз вазифасига қайта тикланганлиги қувончли албатта.



«ОСМОН ЙИРОҚ, ЕР ҚАТТИҚ»

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Ички ишлар нозирлигининг кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ички хизмат майори Шавкат Мавлонович МАВЛОНОВга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

— Шавкат ака, суҳбатимиз орасида «Осмон йироқ, ер қаттиқ» деган иборани ишлатдингиз. Буни ҳар ким ўзича тушунади. Сиз шу иборани қандай мушоҳада қиласиз?

— Ўринбосар бўлиб иш бошлаганимга ҳам салкам икки ой бўлди. Шу орада юзлаб ариза ва шикоятлар билан ишладим. Юзга яқин гражданларни қабул қилдим. Улар билан бўлган суҳбатимда «қўшиб ёзиш» операциясини ўрганганини келган «ёрдамчи» ҳамкасабаларимиз томонидан анчагина ноҳақликларга йўл қўйилганлиги кўриниб қолди. Ариза ва хатлардаги шикоятларнинг асоси бор. Уғар аччиқ алам ва изтироб билан ёзилган. Қабул кунларимнинг бирида кўп болали бир нуроний онахон келганди. У: «Болам, бу аччиқ дарди-аламлар дастидан осмонга чиқиб кетай десам, у йироқ экан, ерга кирай десам, қаттиқ экан. Э, худо қуруқ туҳматингдан ўзинг асрагин, деб илтижо қиламану, додим худога етмаяпти. Нима қилай, умид билан қабулингизга келдимда», деган эди. Бу ноҳақликнинг аччиқ изтироби. Мен бу иборани бир кекса кишидан илк бор ана шундай дардчил эшитдимки, асти қўяверасиз. Ҳар гал шикоят хатларини кўздан кечираётганимда ана шу сочлари ғамдан эрта оқарган муштипар, онаизорнинг ажин босган, сўлғин юзлари кўз олдимга келаверади.

Бу иборанинг мушоҳадасига келсак, у мен учун тинимсиз курашиш керак, дегани. Айниқса, ҳақиқатни юзага чиқаришда лоқайдликка, бепарволикка бешафқат бўлмоқ зарур.

— Айни дилдаги гап. Редакцияга бир неча бор мурожаат қилган Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ноҳияси ички ишлар бўлимининг собиқ БХСС инспектори Исмоил ТУРСУНОВ ҳам ана шундай саргардон бўлганлардан бири. Унинг аризаси дастлабки текширишдаёқ қонуний ҳал этилиши лозим эди. Афсуски, айрим бюрократларнинг қалбсизлиги туфайли у икки йилгача идорама-идора югурди. Ниҳоят редакция аралашди. Ёдингизда бўлса, «Юқори»нинг топшириғи» сарлавҳали мақола ёритилди. Мақолага дастлаб жумҳурият прокурорининг биринчи ўринбосари Ю. Р. РАҲМОНОВ имзоси билан «И. Турсуновнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги кўрсатилиб, унга тегишли иш Ўзбекистон ССР Жиноий процессуал кодексининг 5-моддаси 2-банди билан рад этилган»лиги ҳақида жавоб олдик. Сўнгра «Милиция лейтенанти И. Турсуновни ўз вазифасига тиклаш ёки шунга баробар лавозимга тайинлашга қарор қилинган»лиги ҳақидаги сиз имзо чеккан жавобни олдик. Бундан сал илгарироқ шу ноҳия ички ишлар бўлимидан ноҳақ бўшатилган Тўйчи Раҳимов ҳам ишга тикланганлиги ҳақида жавоб йўллаган эдингиз.

— Сурхондарё вилояти ички ишлар бўлимларидан ноҳақ бўшатилганлар анчагина экан. Яқинда яна вилоят ички ишлар бошқармасининг собиқ БХСС бўлими бошлиғи ўринбосари **Пўлат ТАГИРОВ**ни, паспорт бўлимининг собиқ инспектори **Арзиқул СОАТОВ**ни ҳам ўз вазифаларига ёки шунга тенг бўлган лавозимларга тиклашга қарор қилинди. Ҳозир Арзиқул Соатов вилоят ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлими бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Самарқанд шаҳар Темирйўл музофоти ички ишлар бўлимининг участка инспектори бўлиб ишлаган **ОБЛОҚУЛ ОТАҚУЛОВ** ҳам ишдан ноҳақ бўшатилиб, саккиз йилдан ортиқ овораи сарсон бўлган. Яқинда нозирликда уни ҳам ўз вазифасига тиклашга қарор қилинди. Наманган вилояти ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўринбосари **Лев Николаевич ШУМКОВ** ҳам 1986 йилдан бери адолат излаб ёзмаган жойи қолмаган. Ва ниҳоят у ўз вазифасига тикланди.

Яна бир мисол бу хатни «Ёш ленинчи»да босилган «ТАЛАБ ВА ИЖРО» мақоласини ўқиб, сизларга мурожаат қилган Қаҳрамон она **Эргашой АКБАРОВА** йўллаган. У ўз мактубида ўғли **Меҳмонали АКБАРОВ** Янгиер ноҳия ички ишлар органидан асоссиз бўшатилганлиги ҳақида куюниб ёзади. Текшириш натижаларига асосланиб, нозирлигимиз Сирдарё вилоятининг ички ишлар бошқармасига М. Акбаровни қайтадан ички ишлар хизматига ишга тиклаш таклиф этилди. Ва шу билан бирга уни нотўғри бўшатишга сабабчи бўлган шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўриш ҳамда шу каби воқеалар қайта такрорланмаслиги учун бу масалани ички ишлар ходимлари ўртасида кўриб чиқиш юклатилди.

— Менимча, бу ҳолат Ички ишлар нозирлигидаги ходимларнинг талабчан, адолатпарвар ходимлар билан алмаштирилаётганлиги ёки тўлдирилаётганлиги билан боғлиқ бўлса керак!

— Албатта. Нозирликда ҳам, бошқарма ва бўлимларда ҳам ходимларни янгилаш ва тажрибалиларини ўрин алмаштириш билан талабчан, ишбилармон, виждонли ёшларни танлаб олишга жиддий эътибор қаратилган. Чунки, жамиятимизга сезиларли даражада хавф туғдираётган уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масъулияти ана шу янги кадрлар зиммасига тушади. Янги йилнинг дастлабки кунларида «Ёш ленинчи» муштарийларига кўнгилни хижил қиладиган фактлар ҳақида гапиришни истамасдим. Бу ҳақда имкони бўлса кейинчалик бафуржа гаплашармиз.

— Шавкат ака, газетхонларимизга ўз ҳаёт йўлингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз!

— 1952 йил Андижон шаҳрида туғилдим. 1972 йили ҳарбий хизматдан сўнг Москва Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига тайёрлов курсидан ўқишга кирдим. Уни 1978 йилда тугатиб, Тошкент шаҳридаги Куйбишев ноҳия ички ишлар бўлимида терговчиликдан иш бошладим. 1980 йили Ички ишлар нозирлигининг кадрлар бошқармасига инспекторликка ўтдим. 1987 йили «Ички ишлар органларида самарали ва бенуқсон ишлаганлиги учун» III даражали медаль билан тақдирландим. Сўнг СССР Ички ишлар министрлиги Академиясининг кадрлар тайёрлаш факультетини имтиёзли диплом билан тугатиб келдим. Мана, салкам икки ой олдин шу лавозимга тайинландим.

— Сизнингча ички ишлар органлари олдида энг долзарб вазифалар нималардан иборат!

— СССР халқ депутатларининг иккинчи Съездида «Уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Жиноятчиликнинг қутуриши пайини кескин ва қатъий ҳаракатлар билан қирқишда оташқалб ёшлар бизнинг ишончли таянчимиздир. Чунки бу беғубор қалб эгалари тинчликсевар, адолат ва ҳақиқатпарвар бўлишади. Мана, ўтган 1989 йил «Ёш ленинчи» ва унинг мухлислари адолат ва ҳақиқатни қарор топтиришда биз ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларига анчайин ёрдам бердилар.

Бировни бадном қилиш осон, аммо унинг ҳақлигини юзага чиқариш жуда-жуда мушкул. Ҳалиги Қаҳрамон онахонимиз айтганларидек бу борада «Осмон узоқ, ер қаттиқ»лик қилади. Ҳақиқат йўлида ҳеч қачон чекинмаслик керак. Айниқса, шуни алоҳида таъкидлашни истардим. Адолат йўлида «Ёш ленинчи»нинг ўз танлаган сўқмоғи бор. Ҳамкасбаларингизга шу йўлдаги машаққатли ва мароқли ишларида ҳамиша омад тилайман.

— Самимий суҳбатингиз ва истакларингиз учун раҳмат.

* * *

ҚАДРЛИ «ЁШ ЛЕНИНЧИ» мухлислари Сизнинг катта умид билан ёзган шикоят ва арзномаларингизнинг ҳаммасига ҳам батафсил жавоб беролмадик. Ҳали қўлимизда ўрганилиши ва текшириб чора кўриш учун юборилиши лозим бўлган хатларингиз бор. Уларга имкони борича аниқ жавоб оласиз. Биз 1990 йилнинг дастлабки кунларида қалбингизга илиқлик, юзингизга табассум ҳадя этувчи айрим хатларгагина тўхталдик, холос. Мақсадимиз Янги йилни ана шундай қувонч ва эзгулик билан бошлаш. Бу соҳадаги юқори ташкилотларнинг раҳбарлари билан бўладиган мусоҳабамиз ҳали давом этади. Демак, яна сўз навбати сизга, азиз газетхон!

Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
Шикоят, хат ва оммавий ишлар бўлими мудири.

Кутубхонами ёки ташвишхона?

Қаршидаги М. Горький номли вилоят кутубхонаси ходимлари қиш бошланиши билан этлари жунжиб, кайфиятлари ёмонлашиб кетди. Биринчи қор гўё уларнинг ичига ёққандек бўлди. Бинобарин, уларни тушуниш қийин эмас: улар ишлаётган бинодаги ҳарорат кўчадаги ҳароратдан қолишмайди. Бу ерда ишладинг нима-ю, кўчада юрдинг нима, барибир. Вилоятда ягона халқ кутубхонасидаги аҳвол худди ана шундай.

Қаршидаги кутубхонанинг тарихи маданият соҳасидаги машъум «қолдиқ» принципининг яна бир аянчли рамзига айланди. Унинг биноси 10 йил давомида қурилди. Бино тантанали равишда қабул қилиб олинганидан сўнг кўп вақт ўтмай деворлари ёрилиб кетди, катта ремонт қилиш керак бўлиб қолди. Кутубхона залларига китобхонлар ўрнига яна қурувчилар киришди. Жавонлар тагида занг босган қувурлар ётар, ахлатлар тўпланиб қолган эди. Ҳеч ким шошилмайди, ҳар доим бўлганидек, ишчилар кам, материаллар етишмайди. Аввалги йиллардаги таниш манзаранинг ўзи. Вилоят маданият бошқармасида ҳам, вилоят ижроия комитетида ҳам бу туя гўшти еган бинога аввалгидек панжа орасидан қарашади. Ўн йил мобайнида авария ҳолатидаги бинони бунёд этган ношуд меъморларни эса ҳеч ким йўқламайди, улардан ҳеч нарсани талаб қилмайди.

— Умуман областимизда кутубхона иши яхши эмас, қиш бошланиши билан бу ишлар тўхтаб қолади, — деб рўйрост тан олди вилоят маданият бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Қ. Қиёмова. — Қандай қилиб ишлаш керак! Ахир кутубхоналарнинг кўпчилиги мослаштирилган биноларда жойлашган. Улар асосан кўмир ёқиб иситилади. Бу йил эса кўмир билан таъминлаш анча мушкуллашди. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бундай маданият «ўчоғига» ким ҳам келарди!

Шундай бўлса ҳам, М. Горький номли кутубхона ходимлари пальто ва почча-пўстинларга ўралиб ишлашмоқда, ишончларини йўқотганларича йўқ.

Яқин орада ремонт тугашидан умидвормиз, — дейди кутубхона директори Ш. Маҳмадқулов. — Давлат ташкилотларидан ҳеч қандай ёрдам ололмагач, кооператорларга мурожаат қилдик. Ҳозир «Металлчи» кооперативи иситиш системасини ремонт қилиш билан шуғулланмоқда. Афтидан ишлар юришганга ўхшайди. Ҳеч бўлмаса қиш охирида биномиз исиб қолишидан умидвормиз.

Нима ҳам дердик, кутубхоначиларни ҳеч бўлмаса умидлари «иситмоқда». Лекин йил сайин қиш совуқларини қўрқув аралаш кутаётган маданий-маърифий муассаса ходимларичи! Вилоятдаги кўплаб маданият уйлари совуқ азобидан қийналишга «маҳкум» этилганлар. Қарши шаҳар ёшлар уйи иситилмаяпти.

В. ШУМАЙЛОВ,
ЎЗТАГ мухбири.

Мамажон Исмоилов халқаро классдаги СССР спорт мастери, бир неча марта мамлакат чемпиони, СССР халқлари Спартакиадасининг тўққиз бор қатнашчиси ва ғолиби, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер, Бутуниттифоқ тоифасидаги ҳакам.

ЧАВАНДОЗЛАР БОРМИ, БУ ЭЛДА?



Москва, 1979 йил. СССР халқлари Спартакиадасининг ғолиби Мамажон Исмоилов «Конспект» лақабли оти билан.

Мамажон аканинг ёши 50 дан ошган бўлса ҳам илдамликда ҳеч бир йигитдан қолишмайди. У ҳар куни болаликдан севиб келган отлари билан сирлашади, уларнинг дардига қулоқ солади. Ғамига ҳам, қувончига ҳам шерик. Бугунги суҳбатимиз ана шу жонкуяр инсон ва унинг отлари ҳақида.

— Чавандозлик ўзбек халқининг энг қадимий ўйинларидан бири. Тарихчиларнинг хабар беришларича, у бундан беш минг йил муқаддам йўлга қўйилган экан. Халқ достонларидаги миллий қаҳрамонлар — Алпомиш, Гўрўғлиларни кўпроқ чавандоз сифатида яхши биламиз. «Қиз қувди», «Кўпкари» каби ўйинларимиз бор. Лекин бу ўйинлар қишлоқ, ноҳия ҳудудидан ташқарига ўтолмаяпти. Расмий жиҳатдан тан олинган от спорти бор. Бу спорт тури жумҳуриятимизда қандай йўлга қўйилган?

— Ўзбекистон терма командаси илк бор 1956 йилда СССР халқлари I Спартакиадасида қатнашиб, команда ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Жумҳуриятимиз спортчилари турли йиллар давомида мамлакат ва халқаро мусобақаларда қатнашиб, 59 та (22 олтин, 20 кумуш, 17 бронза) медални қўлга киритишган. Валерий Дворянинов, Олег Лисицин, Владимир Петров, ака-ука Искандар ва Иброҳим Йўлдошевлар, Ҳамид Абдуқодиров, Александр Танков, Юрий Ковшов, Анатолий Усов, Ҳамид Миркомилов, Сергей Шатилов, Владимир Воробьёвлар мамлакат ва йирик халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, жумҳуриятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Умуман олганда от спорти кўнгилдагидек эмас, Ўзбекистонда.

— Табиийки, муштарийларимиз сизнинг спортга кириб келишингиз тарихи билан қизиқишади. Мана шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ўсмирлик даврим 40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошларига тўғри келди. Қўйлиқ томонда яшардик. Урушдан кейинги мамлакатнинг аҳволини яхши биласиз. Қишлоқ хўжалигимиз ночор аҳволда бўлиб, ҳозиргидек машина ва тракторлар кўп эмасди. Қишлоқ хўжалиги юмушларини бажариш асосан отларнинг гарданига юклатилган эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир хонадонда от сақланарди. «Олмос» лақабли отимиз бўлиб, емига-сувига ўзим қарардим. Гоҳи-гоҳида отамдан яширинча уни бироз елдириб ҳам келардим. Уйимизга яқинроқ жойда эски Тошкент отчопари бўлиб, чавандозларнинг маҳоратларини кўриб қайтардим. Кейинчалик шу ерда Иван Мефёдович Карпенконинг қўлида чавандозликдан таълим олдим. Ҳарбий хизматдалигимда ҳам от спортини тарк этмадим. 1957 йили «Фтор» лақабли отим билан Туркистон ҳарбий округи биринчилигида қатнашиб, биринчи ўринни олдим ва мастерлик талабини бажардим.

Ҳарбий хизматни тугатгач, ҳозирги иш жойим — Тошкент олий от спорти маҳорати мактабига тренер бўлиб ишга ўтдим. 1961 йили эса биринчи марта Тамбовда Совет Иттифоқи гербi туширилган формани кийиб майдонга чиқдим. 1963 йил II Спартакиадада мен ва шогирдларим Валерий Дворянинов, Владимир Воробьёв, Ҳамид Абдуқодиров уч курашда учинчи ўринни эгалладик. 1982 йилгача мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда қатнашиб юрдим. Ҳозир ҳам қатнашишим мумкин эди. Аммо бунга СССР спорт комитетининг 1982 йилда чиқарган 32 ёшдан ошганларни мамлакат ва халқаро мусобақаларга қатнашишини тақиқловчи қарори йўл қўймади.

— Негадир кейинги пайтларда жумҳуриятимиз чавандозларининг довруғи анча пасайиб кетди?

— Бунинг биринчи сабаби, ҳозиргина айтган ёшни чеклаш масаласи. Биздаги яхши чавандозларнинг ёши аллақачон 32 дан ошиб кетган. Иккинчиси, от спорти йилдан йилга ривожланиб, янги босқичларга кўтариляпти. Тошкентдаги олий от спорти маҳорати мактаби замонавий талабларга жавоб бера олмайди. 30-йилларда қурилган база ниҳоятда тор. Кенгайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Мактаб шаҳар марказида — М. Горький номли метро станциясининг яқинида жойлашган. Ёзда чивин, пашшалар кўпайиб кетиб, теварак-атрофдагиларнинг дашномларини эшитишга мажбур бўляпмиз.

1983 йилдан мактабга директорлик қилаётган СССР спорт мастери Герман Николаевич Мусатов ўзига хос «рекорд» ўрнатди. Фақат у бу гал от спорти бўйича эмас, балки замонавий от спорти комплекси лойиҳасини тайёрлатаман деб идорама идора югуриш бўйича. Ахир бу ишга оз эмас, кўп эмас, 12 йил бурун қўл урилганди. Лойиҳа ҳам тайёрланди. Қурилиш учун жой ҳам белгиланди. Қурувчилар эса фақат қозиқларни қоқиб қўйишди, холос. Комплекс қачон тайёр бўлади, буниси бизга қоронғу. Бунгача отларимиз нобуд бўлмаса бўлди.

— Ҳозир қандай «ҳаёт» кечираяпсизлар?

— Отларимизнинг бир қисмини агросаноат комитетига қарашли отчопарда йилига 32 минг сўм пул тўлаш шарти билан ушлаб турибмиз. Шартномада кўрсатилганидек, улар бизга емхашак етказиб бериш, отлар чанг ютиб касал бўлмаслиги учун майдонларга сув сепиш ишларини бажармаяптилар. Иттифоқимиздаги энг йирик отчопарлардан бири бўлган отчопаримизнинг ҳолига жуда ачинаман. Бу ерда на йилига бирор марта от чопиш мусобақалари ўтказилади, на бошқа тадбирлар бўляпти. Шундай катта майдон бекорга ҳувиллаб ётибди. Тўғри, отчопар маъмурияти ҳар хил кооперативлар очиб, ўзининг сарф-харажатларини қоплаб турибди. Лекин буларнинг ҳеч бири от спорти манфаати йўлида эмас.

— Энди гап мавзуни отларни саралаш, тарбиялаш, ўргатиш ва парваришлашга қаратсак. Зеро, чавандоз баҳони оти билан бирга олади.

— Отларни саралаш, ўргатиш, мусобақаларга тайёрлаш ишимизнинг асосини ташкил қилади. ГФР, Англия, Франция давлатларида от спорти шундай ривожланганки, маълум илмий институтлар унинг тараққиёти учун хизмат қилади. Чет давлатларни қўя турайлик. Ўзимизда Литва, Украина, Белоруссияда ҳам бу борада кўп тажриба орттирилган. Литвада ветеринария илмий тадқиқот институтининг бир бўлими отларнинг янги зотлари устида иш олиб боради. Отларни даволашдан тортиб, парваришлашгача замонавий медицина асбобларидан фойдаланилади. Биздачи? Бир пайтлари Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт институтида от спорти мутахассислари тайёрланарди. Афсуски, бу иш кўпга бормади. 5—6 та кадр тайёрланди, холос. Ҳеч қандай илмий институтлар билан алоқамиз йўқ. Иосиф Закки деган ветеринаримиз бор эди. Отларни тилини-дилини биларди. Ҳар қандай касал отни оёққа турғаза биларди. Қисқаси, у ҳаётлигида ташвишимиз оз эди. Ҳозирга келиб ишхонамизда биз учун энг зарур бўлган кишилар — врач ва тақачи йўқ. Сабаби, улар учун белгиланган маош жуда ҳам оз. Шундай қийинчиликлар мавжудлиги сабабли ҳар йили қўшни жумҳуриятлардан 17 мингдан то 25 минг сўмгача пул тўлаб, отлар сотиб оламиз.

Шунча пулни бошқаларга бергандан кўра, ўзимизда урчитиш ишларини йўлга қўйсак, бир-икки йилда харажатлар қопланиб, кейинчалик фойда қилган бўлардик. Отларни 8 ойлигидан саралаб, бир неча йиллар мобайнида мусобақаларга тайёрлаймиз. Шунинг учун ҳам от спортида бирдан кўзлаган натижага эришиб бўлмайди. Ёш отларни ўргатиш учун албатта ёпиқ манежлар зарур. Тошкентдек пойтахтда бундай иншоот йўқ. Ваҳолонки, Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятлари бу борада биздан анча илгарилаб кетишган. Уларда замонавий, талабга жавоб берадиган ёпиқ манежлар бор. Шу сабабли кўплаб иқтидорли чавандозлар етишиб чиқаяпти. Ажаб эмас, яқин кунларда, йирик мусобақаларда улар жумҳуриятимиз ғалаба байроғини баланд кўтаришса?

— Шогирдларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— 30 йилдан ошдики, от спорт маҳорати мактабида ишлаяпман. Шу йиллар мобайнида улар билан бирга майдонга тушганман. Ака-ука Искандар ва Иброҳим Йўлдошевлар ҳозир Чирчиқда вилоят спорт мактабида тренер. Валерий Дворянинов ўзим билан бирга.

— Ўғлингиз Неъматжон Исмоилов ҳам шогирдларингиздан, шекилли?..

— Неъматжон ҳам СССР спорт мастери. Шу билан бирга СССР терма командаси аъзоси. Ўтган йили мамлакат мусобақаларида яхши иштирок этганди. Голландияда жаҳон биринчилигида қатнашиши керак эди. Афсуски, оти Москвада касал бўлиб, бу йил ниятига етолмади...

Мирза АБДУЛЛА
суҳбатлашди.

ТВ

5 ЯНВАРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 11.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.15 «Буюк ялангоёқлар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

* * *

17.00 «Спорт, қишлоқ ва фантазия». Телефильм. 17.30 «Янгра дутор». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қизиқарли учрашувлар». Мактаб ўқувчиларининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад билан учрашуви. 19.00 «Қишлов — масъулиятли давр». Иссиқлик узатиш корхоналарининг қиш шароитларидаги ишлари ҳақида. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Қайғунинг бегонаси бўлмайди». ЎзССР «Госстройи» қурувчиларининг арман халқига байналмилал ёрдами ҳақида. 20.20 «Шеърият дафтаридан». Исмоил Тўлаков. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Барҳаёт наволар». Юнус Ражабий. 21.30 Телефильм. 22.00 «Барҳаёт наволар». Юнус Ражабий (давоми). 23.00 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа. 00.15 Янгиликлар. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

● МТ I

11.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали, «Лотин елкани» (Италия). 12.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Тулпор— менинг дўстим». Кўп серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 7-серия — «Сўнгги самурайлар», 8-серия — «Гитарист — Париж республика гвардиячиларининг оти». 14.20 Болалар учун фильм. «Чук ва Гек» (М. Горький номли киностудия).

* * *

16.00 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «Олтин худо».17.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар» программасига мусиқий илова. «50х50». 18.55 Реклама. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «50х50» мусиқий кўрсатувнинг давоми. 20.20 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм. 4-серия. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Бу бўлган... бўлганди...» 22.30 Катталар учун мультфильм. 22.40 «Нигоҳ».

● МТ II

10.15 Ёш томошабинлар театри. К. Гоцци. «Қузғун». Москва Ҳажв театрининг фильм-спектакли. 12.15 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 12.45 Болалар учун фильм. «Бронза қуш» («Беларусьфильм»). 1-серия. 13.50 «Яшасин». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Литва симфоник оркестрининг бош дирижёри, СССР халқ артисти И. Домаркас ҳақида (Вильнюс). 14.20 Ритмик гимнастика. 14.50 Такрорий телефильмлар кундузги сеанси. «Афсонага айланган қиз». 2-серия — «Ҳаммага қасдма-қасд».

* * *

17.30 Мультфильмлар: «Худди мушук кучукдай...», «Кнопкачалар ва одамчалар». 18.00 Белоруссия ССР Давлат телерадиоси. «Хотираларда жонланаман». (Минск). 18.30 Ритмик гимнастика 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурда таржимаси билан). 19.30 Украина ССР Давлат телерадиоси. «Гарт» ёшлар студияси» (Киев). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ғаройиб қудуқ». Мультфильм. 1-қисм. 20.45 «Парнас сари бир босқич». 21.00 Ҳужжатли фильм премьераси. 21.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. А. Шнитке. Скрипка ва оркестр учун 4-концерт (Горький шаҳри). 22.00 «Ҳорғин қуёш...». Бадиий фильм (СССР, КХДР). 23.30 «Рождество туни тароналари». Львовдан кўрсатилади.

«Ёш ленинчи»
МАКОНИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА—32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ— 32-54-65.
Газетамиз якшанба ва душанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.
Тиражи 509195 нусха
ИНДЕКС: 64607
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
Р — 03006.
Д — 2803.

Муҳаррир ўринбосари Қулман ОЧИЛ.